Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети,
Ўзбекистон ССР Олий Совети ва Министрлар Советининг органи

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН ✦ 21 октябрь 1973 йил, якшанба ◆ № 249 (15.723). ◆ Баҳоси 2 тийин.

САМАРҚАНД ШОЛИКОРЛАРИНИНГ ЮТУҒИ

САМАРҚАНД. 20 октябрь. («Совет Узбекистони» мухбиридан телефон орқали). Область шоликорлари Улуғ Октябрь байрами шарафига социалистик мусобақани қизитиб, меҳнатда катта ғалабани қўлга киритдилар. Давлатга 5064 тонна шоли топширилди.

Областнинг шу катта ғалабасига Каттақўрғон, Иштихон, Оқдарё, Нарпай, Самарқанд районларининг деҳқонлари катта ҳисса қўшдилар. Чунончи, Каттақўрғон районининг шоликорлари 770 тонна ўрнига 1473 тонна, Иштихон райони 400 тонна ўрнига 897 тонна шоли топшириб, меҳнатда ажойиб ютуққа эришдилар.

ҒАЛАБАНГИЗ МУБОРАК!

РОСТОВ ОБЛАСТИДАГИ «МАЙСКАЯ» ШАХТАСИ 5- УЧАСТКАСИ КОМПЛЕКС БРИГАДАСИНИНГ БРИГАДИРИ М. П. ЧИХГА, БРИГАДАНИНГ ЗВЕНО БОШЛИҚЛАРИ В. Г. БОНДАРЬ, И. М. ЗАЙЦЕВ, В. А. ПОГРЕБНЯК, А. А. ЦАРЕВГА, ШУ БРИГАДАНИНГ АЪЗОЛАРИГА, УЧАСТКАНИНГ ПАРТИЯ, КАСАБА СОЮЗ, КОМСОМОЛ ТАШКИЛОТЛАРИГА, БУТУН КОЛЛЕКТИВИГА

Азиз, ўртоқлар!

КПСС Марказий Комитети билан СССР Министрлар Совети коллективингизни жуда катта ютуқ билан-бир лавадан 31 иш кунида 237 минг тоннадан кўпроқ антрацит қазиб чиқарилганлиги билан қизғин табриклайдилар. Жаҳон практикасида кўмир қазиб олишда бу қадар юксак кўрсаткичга ҳали ҳеч ким эришмаган эди.

Бу ажойиб муваффақиятлар КПСС XXIV съездининг кўмир саноатини янада ривожлантириш тўғрисидаги Директиваларини бажаришга салмоқли ҳисса қўшишга иштиёқ билан интилаётганлигингиздан далолат беради, янги техникадан моҳирона фойдаланиш, ишдаги яхши уюшқоқлик бригада ва участка ҳар бир аъзосининг олинган социалистик мажбуриятларни бажариш учун зўр масъулият туйғусини кўрсатаётганлигининг намунаси бўлиб хизмат қилади.

КПСС Марказий Комитети билан СССР Министрлар Совети шуни мамнуният билан қайд қиладиларки, бригада коллективи беш йиллик бошланганидан бери 1600 минг тоннадан кўпроқ кўмир қазиб олди, сизлар бу муваффақиятлар билан кифояланиб қолмасдан шу йил халқ хўжалигига камида 750 минг тонна ва беш йиллик мобайнида 3 миллион тонна антрацит бериш юзасидан оширилган мажбурият олдингиз.

Азиз ўртоқлар, сизларнинг янги мажбуриятларни муваффақиятли бажаришингизни тилаймиз. Сизларнинг меҳнатдаги ютуқларингиз 1973 йил планини ва умуман беш йиллик топшириқларини муддатдан аввал бажаришда мамлакатнинг барча шахтерлари учун намуна бўлиб қолади.

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ — **СССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИ**

СОВЕТ ИТТИФОҚИ КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИГА

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитетига шуни маълум қиламизки, Ленин орденли «Ростовуголь» комбинатига қарашли «Майская» шахтаси 5- участкасидаги тозалаш забойи кон ишчилари комплекс бригадамиз беш йилликнинг учинчи, ҳал қилувчи йили планини муддатидан аввал бажариш учун бошланган Бутуниттифоқ социалистик мусобақасига қўшилиб, Ватанимизда ишлаб чиқарилган серунум техника ёрдамида мамлакат кўмир саноатида энг юксак кўрсаткичларга эришди.

31 иш кунида биз 237203 тонна антрацит қазиб чиқардик. Ишлаб турган ҳарбир лавадан суткасига ўрта ҳисобда 1482 тонна ёқилғи қазилди.

Бу натижаларга ишчиларнинг юксак малакаси, меҳнат аниқ ташкил этилганлиги ва ишлаб чиқаришнинг ҳамма бўғинлари баҳамжиҳат ишлаганлиги, серунум кончилик техникасидан омилкорлик билан фойдаланилганлиги ва шахтадаги барча меҳнаткашларнинг зўр меҳнат жўшқинлиги туфайли эришилди.

Кўмир «УСБ-67» маркали ўмариш қурилмаси ва «1 МКС» маркали механизациялашган мустаҳкамлагич билан таъминланган лавадан қазиб олинди.

Бригада 1973 йилда бир лавадан 600 минг тонна кўмир қазиб чиқариш юзасидан олган социалистик мажбуриятларини муддатидан аввал бажарди.

Бригада 1973 йилда 750 минг тонна, бутун беш йиллик мобайнида эса уч миллион тонна антрацит қазиб олишга сўз беради. Бу — бизнинг севикли Ватанимиз қудратини мустаҳкамлашга, КПСС XXIV съезди тарихий қарорларини бажаришга қўшган ҳиссамиз бўлади.

Тинчликни мустаҳкамлаш ишига жуда катта ҳисса қўшаётганликлари учун, бутун халқимизнинг фаровонлигини муттасил ошираётганликлари ва совет шахтерлари тўғрисида доимо ғамхўрлик қилаётганликлари учун Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг ленинчи Марказий Комитетидан, шахсан КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Леонид Ильич Брежневдан ғоят миннатдормиз.

Биз олган социалистик мажбуриятлар албатта бажарилади, севикли Ватанимиз мустаҳкамланиши ва гуллаб-яшнаши учун ҳамма ишни қиламиз, деб Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг Марказий Комитетини ишонтирамиз.

Тозалаш забойи кон ишчилари комплекс бригадасининг бригадири, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони М. ЧИХ

Звено бошлиқлари В. БОНДАРЬ, Б. ПОГРЕБНЯК, А. ЦАРЕВ, И. ЗАЙЦЕВ

5-участка бошлиғи Е. РУГАЕВ

Партия ташкилотининг секретари Е. КАМИШИН



ХИРМОНИМИЗ ЮКСАЛАВЕРСИН!

БЕШ ЙИЛЛИК ОДИМЛАРИ

СССР САНОАТИ ДАВЛАТ ПЛАНИНИНГ 1973 ЙИЛ ТЎҚҚИЗ ОЙИ МОБАЙНИДА БАЖАРИЛИШ ЯКУНЛАРИ ТЎҒРИСИДА

СССР Марказий Статистика бошқармасининг ахбороти

Саноат ходимлари тўққизинчи беш йилликнинг 1973 йил — учинчи, ҳал қилувчи йили планини муддатидан олдин бажариш учун социалистик мусобақани кенг авж олдириб, Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 56 йиллигини меҳнатда янги муваффақиятлар билан кутиб олмоқдалар. Маҳсулотнинг кўпчилик муҳим турларини реализация қилиш ва ишлаб чиқариш ҳажми юзасидан тўққиз ойлик план ошириб бажарилди. Саноат ишлаб чиқаришининг ўсиши ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 7,3 процент бўлди. Меҳнат унумдорлиги 5,8 процент ошди. Маҳсулот ишлаб чиқариш ўсишининг 82 процентига меҳнат унумдорлигини ошириш йўли билан эришилди.

Саноат айрим тармоқларининг маҳсулоти 1972 йилнинг тўққиз ойидагига нисбатан қуйидагича кўпайди:

Электр энергетика	6 процент
Ёқилғи саноати	6 процент
Қора ва рангли металлургия	6 процент
Химия ва нефть химияси саноати	11 процент
Машинасозлик ва металл ишлаш	13 процент
Ўрмон, ёғочсозлик ва целлюлоза-қоғоз саноати	5 процент
Бинокорлик материаллари саноати	8 процент
Енгил саноат	4 процент
Озиқ-овқат саноати	3 процент
Маданий-маиший ва рўзғорбоп моллар ишлаб чиқариш	11 процент

Барча умуммиттифоқ ва иттифоқ — республика саноат министрликлари ва барча иттифоқдош республикалар тўққиз ойлик планни ошириб бажаришди.


Айрим министрликлар бўйича маҳсулотни реализация қилиш планининг бажарилиши ҳамда ишлаб чиқариш ҳажмини ўстириш ва меҳнат унумдорлигини ошириш суръатлари қуйидагича бўлди.

Умуммиттифоқ ва иттифоқ-республика министрликлари ва идоралари	Маҳсулотни реализация қилиш тўққиз ойлик планининг бажарилиш процентлари		1973 йилнинг тўққиз ойи ичида 1972 йилнинг тўққиз ойидагига нисбатан процент ҳисобида
	Ишлаб чиқариш ҳажми бўйича		Меҳнат унумдорлиги бўйича
Энергетика ва электрлаштириш	101	106	105
Нефть саноати	102	106	106
Нефтни қайта ишлаш ва нефть химияси саноати	102	110	108
Газ саноати	101	107	106
Кўмир саноати	103	103	106
Қора металлургия	101	105	105
Рангли металлургия	100,6	107	106
Химия саноати	102	112	110
Оғир энергетика ва транспорт машинасозлиги	100,5	107	106
Электротехника саноати	103	109	107
Химия ва нефть машинасозлиги	101	109	108
Станоксозлик ва инструментал саноати	100,3	110	108
Асбобсозлик, автоматлаштириш воситалари ва бошқариш системалари	102	119	113
Автомобиль саноати	103	113	110
Трактор ва қишлоқ хўжалик машинасозлиги	103	111	109
Қуриliш, йўл ва коммунал машинасозлиги	101	109	108
Енгил ва озиқ-овқат саноати ҳамда рўзғор асбоблари учун машинасозлик	102	112	110
Ўрмон ва ёғочсозлик саноати	101,1	104	104
Целлюлоза-қоғоз саноати	100,3	107	106
Бинокорлик материаллари саноати	101	108	106
Енгил саноат	100,9	104	104
Озиқ-овқат саноати	103	102	103
Гўшт ва сут саноати	104	102	102
Балиқ хўжалиги	106	112	111
Тайёрлаш	105	107	105
Медицина саноати	102	112	110
Микробиология саноати бош бошқармаси	105	123	115

Қуйида иттифоқдош республикалар бўйича маълумотлар келтирилади (иттифоққа бўйсинувчи саноатни ҳам қўшган ҳолда).

	Маҳсулотни реализация қилиш тўққиз ойлик планининг процентлари	1973 йилнинг тўққиз ойи ичида 1972 йилнинг тўққиз ойидагига нисбатан процент ҳисобида	
		Ишлаб чиқариш ҳажми бўйича	Меҳнат унумдорлиги бўйича
РСФСР	102	107	106
Украина ССР	102	107	106
Белоруссия ССР	102	110	108
Ўзбекистон ССР	103	107	104
Қозоғистон ССР	102	107	105
Грузия ССР	103	106	105
Озарбайжон ССР	103	112	110
Литва ССР	102	107	106
Молдавия ССР	103	102	99,5
Латвия ССР	102	105	104
Қирғизистон ССР	102	108	106
Тожикистон ССР	103	105	102
Арманистон ССР	102	104	101
Туркманистон ССР	102	109	105
Эстония ССР	101	106	105

(Давоми иккинчи бетда).



4.850 МИНГ ТОННА УЧУН

Республика областларида пахта тайёрлашнинг бориши тўғрисида 1973 йил 20 октябрга бўлган

МАЪЛУМОТ

(Шанга нисбатан процент ҳисобида)

Областлар	Бир кунда	Мавсум бошидан	Шу жумладан машинада бир кунда	Шу жумладан машинада мавсум бошидан
СИРДАРЁ	1,53	107,01	1,29	129,11
АНДИЖОН	1,06	106,19	1,81	123,98
ҚАШҚАДАРЁ	1,05	102,52	1,56	86,19
СУРХОНДАРЁ	1,33	100,38	1,97	99,31
ТОШКЕНТ	1,66	100,06	1,30	108,49
Наманган	1,84	95,39	2,79	133,74
Фарғона	1,80	91,69	2,89	98,13
ҚҚАССР	2,03	86,55	3,19	86,47
Самарқанд	2,57	84,37	4,04	116,70
Хоразм	1,88	84,34	2,98	70,58
Бухоро	1,34	76,39	1,84	80,99
Республика бўйича:	1,65	94,17	2,25	105,85
Шу жумладан кигичка толали пахта:				
Сурхондарё	1,55	83,90		
Қашқадарё	1,73	78,27		
Бухоро	1,07	27,80		
Республика бўйича:	1,57	78,06		

Андижон область Қўрғонтепа райони даги Ҳамза номли совхоз пахтакорлари «оқ олтин» ҳосилини тезроқ йиғиб олиш учун терим суръатини оширмоқдалар. Хўжалик далаларида 60 га яқин терим агрегати бетўхтов ишлаб турибди. Совхознинг механизаторлари ўзаро мусобақалашиб, ҳар куни 18-20 тоннадан пахта теришга ҳаракат қилмоқдалар. Суратда: илғор механизаторлардан Э. Мамадалиев. У «Узбекистон» терим агрегати билан кунига 10 тоннагача пахта термоқда.

Р. Ашуров фотоси (ЎзТАГ).

ХУРМАТ ТАХТАСИ

Пахта тайёрлаш ҳалқ хўжалиги планини муддатидан аввал бажарганликлари учун қуйидаги районлар республика «Хурмат тахтаси»га ёзилдилар:

Жарқўрғон район — (район партия комитетининг секретари **Алматов**, район ижроия комитетининг раиси **Боймуротов**, район ижроия комитети қишлоқ хўжалиги бошқармасининг бошлиғи **Маматхолов**, «Узсельхозтехника» район бирлашмасининг бошқарувчиси **Жўраев**, район комсомол комитетининг секретари **Исломов** ўртоқлар);

Ильич район — (район партия комитетининг секретари **Абдушоҳидов**, район ижроия комитетининг раиси **Юсупов**, район ижроия комитети қишлоқ хўжалиги бошқармасининг бошлиғи **Асқаров**, «Узсельхозтехника» район бирлашмасининг бошқарувчиси **Эгамбердиев**, район комсомол комитетининг секретари **Исроилов** ўртоқлар);

Ленинград район — (район партия комитетининг секретари **Ҳайдаров**, район ижроия комитетининг раиси **Исмоилов**, район ижроия комитети қишлоқ хўжалиги бошқармасининг бошлиғи **Раҳматиллаев**, «Узсельхозтехника» район бирлашмасининг бошқарувчиси **Қулматов**, район комсомол комитетининг секретари **Шамсиддинов** ўртоқлар);

Узбекистон район — (район партия комитетининг секретари **Пайғамов**, район ижроия комитетининг раиси **Мирсолиев**, район ижроия комитети қишлоқ хўжалиги бошқармасининг бошлиғи **Мирахмедов**, «Узсельхозтехника» район бирлашмасининг бошқарувчиси **Машетян**, район комсомол комитетининг секретари **Раҳимов** ўртоқлар).

Андижон район — (район партия комитетининг секретари **Ёқубов**, район ижроия комитетининг раиси **Максимов**, район ижроия комитети қишлоқ хўжалиги бошқармасининг бошлиғи **Иноқов**, «Узсельхозтехника» район бирлашмасининг бошқарувчиси **Маллаев**, район комсомол комитетининг секретари **Султонов** ўртоқлар).

РАЙОНЛАР РАПОРТИ

БЕКОБОД

Она-Ватанга 49,2 минг тонна «оқ олтин» армуғон этган Бекобод районининг деҳқонлари пахта тайёрлаш халқ хўжалик планини адо этдилар. «Зангори кема»лар бункеридан 35,5 минг тонна дурдона тўкилди.

«Победа», Ленин номли, «Коммунизм» колхозлари ва 4-«Далварзин», Ойбек номли, 2-«Далварзин» совхозларининг пахтакорлари айниқса яхши кўрсаткичларга эришиб, социалистик мажбурият ҳисобига пахта топширмоқдалар.

Пахта йиғим-терими қизғин давом этмоқда. Бекобод районининг пахтакорлари давлатга топшириладиган пахтанинг ялпи хирмонини 60 минг тоннага етказиб, унинг 40 минг тоннасини машиналарда териб олишга аҳд қилдилар.

БОЕВУТ

Деҳқончилик маҳсулотлари етиштириш ва тайёрлашни янада кўпайтириш юзасидан бошланган умумхалқ социалистик мусобақасига қўшилган Боёвут районининг заршунослари пахта тайёрлаш халқ хўжалик планини муддатидан илгари бажардилар. Давлат қабул пунктларига 43,1 минг тонна пахта етказиб берилди. Топширилган пахтанинг 82 проценти машиналар ёрдамида териб олинди.

Халқ хўжалик планининг муддатидан илгари бажарилишида 3-«Боёвут», 2- «Боёвут» совхозлари ва «Коммунизм», Ленин номли колхозларнинг пахтакорлари катта ҳисса қўшдилар.

Боёвут районининг меҳнаткашлари ялпи пахта хирмонини 50 минг тоннага етказиш учун сўз бердилар.

СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

СССР ХАЛҚ РАССОМИ М. В. КУПРИЯНОВга [КУКРИНИКСИ ИЖОДИЙ КОЛЛЕКТИВИНИНГ АЪЗОСИГА] СОЦИАЛИСТИК МЕҲНАТ ҚАҲРАМОНИ УНВОНИ БЕРИШ ТЎҒРИСИДА

Совет тасвирий санъатини ривожлантиришдаги жуда катта хизматлари учун ва туғилган кунига етмиш йил тўлганлиги муносабати билан СССР халқ рассоми Михаил Васильевич **Куприяновга Социалистик Меҳнат Қаҳрамони** унвони берилиб, **Ленин** ордени ҳамда **«Ўроқ ва Болға»** олтин медали топширилсин.

СССР Олий Совети Президиумининг Раиси
Н. ПОДГОРНИЙ.

СССР Олий Совети Президиумининг Секретари
М. ГЕОРГАДЗЕ.

Москва, Кремль,
1973 йил, 19 октябрь.

Шоли — ДАВЛАТГА

Республика областларида шоли тайёрлашнинг бориши тўғрисида шу йил 20 октябрга бўлган

МАЪЛУМОТ

	Биринчи стун — областлар; иккинчи стун — ўрилган шоли (планга нисбатан процент ҳисобида); учинчи стун — топширилган шоли (топшириққа нисбатан процент ҳисобида)	
Самарқанд	99,3	101,3
Андижон	96,4	90,3
Хоразм	95,4	93,5
Тошкент	89,8	81,3
Сурхондарё	82,2	94,7
Сирдарё	77,0	56,3
Наманган	71,5	71,1
ҚҚАССР	66,0	66,4
Фарғона	62,3	65,7
Республика бўйича:	76,7	74,7

ДАНИЯ БОШ МИНИСТРИ САМАРҚАНДДА

САМАРҚАНД, 20 октябрь. (ЎзТАГ). Совет ҳукумати таклифига биноан расмий визит билан Совет Иттифоқига келган Дания Бош министри Анкер Йоргенсенни қадимий Самарқанд ҳушнудлик билан кутиб олди. Данияниинг Совет Иттифоқидаги элчиси В. У. Хаммерсхаймб, Бош министр маҳкамаси департаментининг бошлиғи Й. Герснинг ва бошқалар Бош министрга ҳамроҳ бўлиб келдилар.

СССР министри К. И. Галаншин, СССР Ташқи ишлар министрлиги бош секретари Ю. Н. Черняков, СССРнинг Данияда элчиси Н. Г. Егоричев ҳам олий меҳмон билан бирга келишди.

Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Раиси Н. Ж. Худойбердиев, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари, республика ташқи ишлар министри М. Т. Турсунов Дания Бош министрига ҳамроҳлик қилмоқдалар.

Дания Бош министри ва унга ҳамроҳ бўлган кишилар қадим меморлик ёдгорликларини кўздан кечирдилар, шаҳарнинг янги қурилиш районларини бориб кўрдилар.

Дания Бош министри ва унинг ҳамроҳлари шу куни Волгоградга жўнаб кетишди.

ТАСС АХБОРОТИ

«МОЛНИЯ-2»

Ер сунъий йўлдошларидан фойдаланган ҳолда алоқа системаларини янада ривожлантириш программасига мувофиқ, 1973 йил 19 октябрда Совет Иттифоқида «Молния-2» алоқа йўлдоши баланд эллиптик орбитага учирилди. Ундаги ретрансляция аппаратлари системасининг сантиметрли тўлқин диапазонида ишлашини таъминлайди.

«Молния-2» алоқа йўлдоши Совет Иттифоқида олис телефон, телеграф, радио алоқа системасини ишлатишни таъминлашга, СССР Марказий телевидение программаларини «Орбита» ва халқаро ҳамкорлик тармоғи пунктларига юборишга аталган.

Йўлдош шимолий ярим шарда-ги апогейи 40.600 километрли ва жанубий яримшардаги перигейи 630 километрли орбитага чиқарилди. Йўлдошнинг айланиш даври 12 соат 16 минут, орбитасининг оғиши 62,8 градус.

Йўлдош ҳинга телевидение программаларини юборадиган ва кўп каналли олис радио алоқани амалга оширадиган аппаратлардан ташқари, команда-ўлчов комплексининг аппаратлари, шунингдек йўлдошнинг мўлжал олиш, орбитасини ростлаш ва энергия билан таъминлаш системалари ҳам ўрнатилган.

«Молния-2» йўлдоши орқали алоқа сеанслари белгиланган программага мувофиқ ўтказилмоқда.

НАВБАТ — МАЖБУРИЯТГА

Наманган область Уйчи районидаги Охунбобоев номли колхоз пахта тайёрлаш халқ хўжалик планини муддатидан илгари оширибадо этди. 1269 гектар пахта майдони бўлган бу йирик хўжалик Ватан хирмонига 4 минг тонна «оқ олтин» етказиб беришга мулассар бўлди. Хўжалик пахтакорлари ҳар гектар ердан 32 центнердан ҳосил кўтардн. Бу галаба тер тўкиб қилинган меҳнат туфайли қўлга киритилди.

Ҳозир колхоз далаларида йиғим-терим ишлари заррача сусайгани йўқ. Чунки ҳали пайкалларда мўл ҳосил мавжуд. Колхоз деҳқонлари ўз имкониятларини чамалаб кўриб яна планга қўшимча равишда 1000 тонна «оқ олтин» териб беришга ва ҳосилдорликни 40 центнерга етказишга қарор қилдилар. Колхознинг илғор бригадирларидан Усмон Тиллаев, Тўравой Жўраев, Иброҳим Абдуллаев бошлиқ коллективлар 50 центнердан ҳосил беришга ваъда қилдилар.

Колхозда топширилган ҳосилнинг 2700 тоннасини хўжалигининг моҳир механизаторлари териб беришди. Хўжалик механизаторлари бундан ташқари давлатга шоли топшириш мажбуриятини ҳам адо этдилар. Гўшт, сут топшириш ҳамда бошқа маҳсулотлар етиштириш мажбуриятлари ҳам тўла адо этилди.

СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИДА

Кўмир қазиб чиқаришда ғоят катта муваффақиятларга эришганлиги, беш йилликнинг учинчи ҳал қилувчи йилида ўз зиммасига олган социалистик мажбуриятларни муддатидан илгари бажарганлиги учун СССР Олий Совети Президиумининг 1973 йил 19 октябрдаги фармонига мувофиқ, «Ростовуголь» комбинатига қарашли 5-«Майская» шахтаси тозалаш забойи комплекс бригадаси аъзолари ва участка ходимлари СССР-нинг орден ва медаллари билан мукофотланди.

Тозалаш забойининг кон ишчиси Ф. В. Бабкин ва тозалаш забойи кон ишчилари бригадасининг бошлиғи М. П. Чих Ленин ордени билан мукофотландилар.

Икки киши октябрь революцияси ордени билан, етти киши Меҳнат Қизил Байроқ ордени билан, ўн икки киши «Ҳурмат Белгиси» ордени билан, ўн тўрт киши «Шавкатли меҳнати учун» медали ва ўн тўрт киши «Меҳнатда ўрнак кўрсатганлиги учун» медали билан мукофотландилар.

Фармон «Ведомости Верховного Совета СССР»да ва маҳаллий матбуотда эълон қилинади.

СССР ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК МИНИСТРЛИГИДА

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР қишлоқ хўжалиги министри Д. С. Полянский 19 октябрда Италиянинг «Жи эжи» фирмаси раҳбарлари—фирма президенти П. Жабертони билан бош техника директори Э. Малавазини қабул қилди.

Дўстона суҳбат чоғида чорвачиликни саноат асосида ривожлантириш соҳасида илмий-техникавий ҳамкорликни кенгайтириш масалалари муҳокама қилинди. (ТАСС).

К. Т. МАЗУРОВ ҲУЗУРИДА ҚАБУЛ

СССР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари К. Т. Мазуров саноатда фан ва техника ютуқларини жорий қилиш соҳасидаги ҳамкорлик масалалари билан шуғулланувчи аралаш Совет—Канада комиссиясининг учинчи сессияси муносабати билан Москвага келган Канада саноат ва савдо министри А. Гилспини 19 октябрда Кремлда қабул қилди. Суҳбатда СССР билан Канада ўртасида савдо-иқтисодий алоқаларни ривожлантириш масалалари, шунингдек ҳар икки томонни қизиқтирган бошқа масалалар муҳокама қилинди. Дўстона вазиятда ўтган суҳбатда фан-техника давлат комитети раисининг биринчи ўринбосари Л. Н. Ефремов, Канаданинг СССРдаги элчиси Р. Форд ва бошқа расмий кишилар қатнашдилар. (ТАСС).

ИҚТИСОДИЙ СЕМИНАРЛАР РАҲБАРЛАРИНИНГ ЗОНА КУРСЛАРИ

Иқтисодий проблемалар юзасидан назарий семинар раҳбарларининг зона курслари Тошкентда ўз ишини тамомлади. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ташкил қилган бу курсларда Тошкент ва Сирдарё областларининг пропагандистлари таълим олдилар. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг масъул ходимлари, республика Фанлар академиясининг олимлари, Тошкентдаги олий ўқув юртлари ижтимоий фанлар кафедраларининг мудирлари, Ўзбекистон ССР Госпланининг мутахассислари пропагандистлар ҳузурида лекция ва докладлар билан чиқдилар.

КПСС XXIV съезди қарорлари асосида иқтисодий билимларни пропаганда қилишни кучайтириш ва янги ўқув йилидаги вазифалар тўғрисида, ривож топган социализм даврида партия иқтисодий сиёсатининг асосий масалалари ҳақида, тўққизинчи беш йиллик планларини муваффақиятли бажариш вазифалари тўғрисида, социалистик ҳамдўстлик мамлакатлари иқтисодий интеграциялаш ҳақида лекция ва докладлар ўқилди.

Бир қанча лекция ва докладлар бошқаришнинг автоматлаштирилган системаларини ривожлантиришга, халқ хўжалигида меҳнатни илмий асосда ташкил қилишга, капитал маблағларнинг самарадорлигини оширишга бағишланди.

Курсларнинг тингловчилари Тошкент тўқимачилик комбинатида бўлиб, социалистик мусобақани ташкил қилиш тажрибаси билан танишдилар. Иқтисодий проблемалар юзасидан назарий семинарларнинг иш тажрибаси кенг алмашилди.

Самарқанд ва Андижонда республикадаги 9 область семинар раҳбарлари учун ана шундай зона курслари ўтказилди. Мингга яқин пропагандист ўқишни тамомлади. (ЎзТАГ).

БЕШ ЙИЛЛИК ОДИМЛАРИ

(Бошн биринчи бетда).

Умуман мамлакатда маҳсулотнинг энг муҳим турларини ишлаб чиқариш қуйидаги маълумотлар билан характерланади:

	1973 йилнинг тўққиз ойи ичида ишлаб чиқарилган	1973 йилнинг тўққиз ойи ичида 1972 йилнинг тўққиз ойидагига нисбатан процент ҳисобида
Электр энергия — миллиард киловатт-соат	663	106
Нефть — миллион тонна	311	106
Газ — миллиард куб метр	174	106
Кўмир — миллион тонна	499	102
Шу жумладан, кокслаш учун	130	102
Чўян — миллион тонна	71,3	103
Пўлат — миллион тонна	97,9	104
Қора металлар прокати — миллион тонна	77,4	104
Шу жумладан тайёр прокат	68,1	105
Пўлат қувурлар: миллиард метр	1,7	105
Миллион тонна	10,7	104
Темир рудаси — миллион тонна	161	103
Минерал ўғитлар — миллион тонна: шартли бирликларда	53,3	110
Тўйимли моддаларнинг 100 процентга айлантириб ҳисоблаганда	12,8	110
Усимликларни ҳимоя қилиш химиявий воситалари — минг тонна: шартли бирликларда	257	115
Таъсирчанлиги бўйича 100 процент бўлганда	151	115
100 процент кальцийланган сода — миллион тонна	3,1	108
100 процент каустик сода — миллион тонна	1,5	106
Олтингугурт кислотаси — миллион тонна	10,9	108
Синтетик смолалар ва пластик масса — миллион тонна	1,7	114
Химиявий толалар — минг тонна	610	111
Автопокришкалар — миллион дона	31,3	109
Турбиналар — миллион киловатт	10,8	105
Турбиналарнинг генераторлари — миллион киловатт	12,3	122
Ўзгарувчан ток электр двигателлари — миллион киловатт	31,1	104
Металл қирқиш станоклари: минг дона	157	99,1
Миллион сўмлик	925	109
Металл қирқиш станокларининг умумий сонидан — рақамли программа билан бошқариладиган станоклар — минг дона	2,7	125
Темирчилик-пресслаш машиналари минг дона	34,4	105
Миллион сўмлик	242	113
Приборлар, автоматлаштириш воситалари ва уларнинг запас қисмлари — миллиард сўмлик	2,5	114
Ҳисоблаш техникаси воситалари ва уларнинг запас қисмлари — миллиард сўмлик	1,1	134
Металлургия ускуналари — минг тонна	254	103
Тозалайдиган кўмир комбайнлари — дона	758	87
Проходка қиладиган комбайнлар — дона	333	104
Кўмир шахталарида тозалаш ишлари учун комплекс ва механизациялаштирилган маҳкамлагичлар — комплект	339	121
Нефт аппаратлари — минг тонна	120	99
Химиявий ускуналар ва унинг запас қисмлари — миллион сўмлик	472	112
Енгил саноат учун технология ускуналари ва унинг запас қисмлари — миллион сўм	414	111
Озиқ-овқат, гўшт-сут ва балиқ саноати учун технология ускуналари ҳамда унинг запас қисмлари — миллион сўмлик	309	110
Магистрал тепловозлар: Минг секцияли	1,1	99
Миллион от кучига эга бўлган	3,0	102
Магистрал электровозлар: Дона	268	103
Миллион от кучига эга бўлган	2,0	102
Юк ташийдиган магистрал вагонлар — минг дона	53,1	104
Автомобиллар — минг дона	1182,6	118
Шу жумладан: Юк автомобиллари	467,1	106
Енгил автомобиллар	673,3	128
Автобуслар	42,2	108
Автомобилларнинг запас қисмлари — миллион сўмлик	832	110
Тракторлар: минг дона:	373	105
Миллион от кучига эга	26,6	107
Тракторларнинг запас қисмлари — миллион сўмлик	710	109
Трактор прицеплари — минг дона	228	90
Қишлоқ хўжалик машиналари — миллион сўмлик	2181	113
Қишлоқ хўжалик машиналарининг запас қисмлари — миллион сўмлик	232	111
Комбайнлар — минг дона:		
Ғалла ўрадиган комбайнлар	69,4	96
Маккажўхори ўрадиган комбайнлар	6,8	115
Картошка ковлаштириб оладиган комбайнлар	6,6	104
Лавлагини ковлаштириб оладиган комбайнлар	10,3	123
Силос комбайнлари	44,9	113
Пахта териш машиналари (физик бирликларда) — минг дона	5,2	101
Пресс-подборшчиклар — минг дона	16,8	109
Экскаваторлар — минг дона	26,5	103
Бульдозерлар —минг дона	33,9	116
Изоратбоп ёғоч (қолхозлар тайёрлаган ёғоч бу ҳисобга кирмайди) — миллион кубометр	223	101
Целлюлоза — миллион тонна	4,5	107
Қоғоз — миллион тонна	3,6	107
Картон — миллион тонна	2,2	106
Цемент — миллион тонна	8,1	105
Ишма темир-бетон — миллион кубометр	76	107
Изоратбоп ғишт — миллиард дона	34	103
Шифер — миллиард шартли тахта	5,2	106
Томга ёпиладиган юмшоқ материал ва изол — миллиард квадрат метр	1,1	109
Дераза ойна — миллион квадрат метр	187	102
Ҳамма турдаги газламалар — миллион квадрат метр	7210	103
Шу жумладан: ип газлама	4920	103
жун газлама	522	103
Зигир толасидан тўқилган газлама	588	102
Шойи газлама	991	106
Тикилган буюмлар — миллиард сўмлик	12,8	101
Ички трикотаж — миллион дона	668	107
Устки трикотаж — миллион дона	340	102
Чарм-пойафзал — миллион жуфт	494	103
Гўшт (саноатда ишланган) — миллион тонна	5,8	94
Колбаса маҳсулотлари — миллион тонна	1,9	104
Истеъмол қилинадиган балиқ маҳсулоти, шу жумладан балиқ консервалари — миллиард сўмлик	2,6	112
Мол ёғи — миллион тонна	1,1	114
Қаймоғи олинмаган маҳсулотлар — сутга айлантириб ҳисобланганда — миллион тонна	15,8	108
Ёғлик пишлоқ — минг тонна	426	111
Усимлик мойи — миллион тонна	1,6	86
Кондитер моллари — миллион тонна	2,3	107
Консервалар — миллиард банка	9,9	107
Омихта ем — миллион тонна	23	113
Ювадиган синтетик воситалар — минг тонна	437	114
Соатлар — миллион дона	35,2	107
Чинни-фаянс идишлар — миллион дона	613	111
Сортли идиш — (шиша ва биллурдан ясалган) — миллион сўмлик	181	119
Радиоприемниклар ва радиолалар — миллион дона	6,4	97
Телевизорлар — миллион дона	4,7	107
Холодильниклар — миллион дона	4,0	110
Кир ювиш машиналари — миллион дона	2,2	95
Электр пилесослари — миллион дона	1,9	125
Мотоциклларва мотороллерлар — минг дона	693	103
Велосипедлар ва мотовелосипедлар — миллион дона	3,6	102
Мебель — миллиард сўмлик	2,7	109

Утган йилнинг шу давридагига нисбатан электр энергия 37 миллиард киловатт-соат, нефть 18 миллион тонна, газ 10 миллиард куб метр, кўмир 9 миллион тонна, пўлат 4,2 миллион тонна, пўлат қувурлар 87 миллион метр, минерал ўғитлар, 4,9 миллион тонна (шартли бирликларда), синтетик смола ва пластик массалар 213 минг тонна, Химиявий толалар 62 минг тонна, автопокришкалар 2,7 миллион дона, приборлар, автоматлаштириш воситалари ва уларнинг запас қисмлари 299 миллион сўмлик, автомобиллар 177 минг дона, шу жумладан енгил автомобиллар 145 минг дона, автомобилларнинг запас қисмлари 79 миллион сўмлик, тракторлар 19 минг дона ва уларнинг запас қисмлари 59 миллион сўмлик, қишлоқ хўжалик машиналари 257 миллион сўмлик ва уларнинг запас қисмлари 23 миллион сўмлик, қоғоз 228 минг тонна, цемент 4 миллион тонна **кўп ишлаб чиқарилди ва қазиб чиқарилди.** Рангли ва нодир металлар, нефть химияси ва нефтни қайта ишлаш маҳсулотлари ва маҳсулотнинг бир қанча бошқа турларини ишлаб чиқариш кўпайди.

Халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш қуйидагича кўпайди: газлама ишлаб чиқариш 221 миллион квадрат метр, тикилган буюмлар 124 миллион сўмлик, истеъмол қилинадиган балиқ маҳсулотлари 267 миллион сўмлик, мол ёғи 130 минг тонна, пишлоқ 43 минг тонна, кондитер моллари 145 минг тонна, чинни-фаянс идишлари 62 миллион дона, сортли идиш-товоқ 29 миллион сўмлик, телевизорлар 297 минг дона, ювадиган синтетик воситалар 55 минг тонна кўп ишлаб чиқарилди.

Умуман саноат тўққиз ойлик планни бажарган ҳолда бир қанча корхоналар маҳсулотни реализация қилиш, меҳнат унумдорлигини ошириш ва жамғарма тўплаш юзасидан белгиланган топшириқларни бажармадилар, ишлаб чиқариш қувватларидан, иш вақтидан, хом ашёдан фойдаланиш соҳасида ҳам камчиликлар бор; буюмларни зарур турда ва тегишли сифатда ишлаб чиқариш ҳамма жойда ҳам таъминланаётгани йўқ. Қора металларнинг тайёр прокатини, каустик сода, турбиналар, нефть аппаратлари, химиявий ускуналар ва уларнинг запас қисмлари, ғалла ўриш ва картошка ковлаштириб олиш комбайнлари, изоратбоп ёғоч, целлюлоза, картон, қурилишбоп ғишт, дераза ойнаси, трикотаж буюмлар, чарм-пойафзал, кир ювиш машиналари, электр пилесослари ва буюмларнинг баъзи бир бошқа турларини ишлаб чиқариш плани тўлиқ бажарилмади.

Илмий-тадқиқот, лойиҳалаш, конструкторлик ташкилотлари ва саноат корхоналари **илм-фанни янада ривожлантириш ҳамда янги техника ва илғор технологияни ишлаб чиқаришга жорий этиш юзасидан иш олиб бордилар.** Буюмларнинг 2000 дан кўпроқ янги турлари ўзлаштирилди ва ишлаб чиқарила бошланди. Булар орасида қуввати 500 мегаватт келадиган буғ кондинсацион турбина; қуввати 300 тонна ягона қувватли конверторлар; рақамли программа билан бошқариладиган металл қирқиш станокларининг янги моделлари, гоят аниқ ишлайдиган токарлик — револьвер автоматлар; қанд лавлаги ковлаштириб оладиган олти қаторли комплекс; электротехника ускуналарининг айрим турлари ҳамда нефть ва газ қазиб чиқариш саноати учун ускуналар бор. Ишлаб чиқаришни янада механизациялаштириш ва автоматлаштириш ишлари амалга оширилди, саноат корхоналарида ишлаб чиқаришнинг технологик жараёнларини бошқарадиган автоматлаштирилган системалари барпо этилди. Шу билан бир қаторда бир қанча министрликларнинг корхоналари ва ташкилотлари илмий-тадқиқот ишларининг ҳамда фан ва техника ютуқларини ишлаб чиқаришга жорий этиш планини бажармадилар.

Корхоналарнинг техника-иқтисодий кўрсаткичлари яхшиланди. Электр станцияларда ёқилғи сарфлаш салмоғи 1,4 процент камайди. Кўмир шахталарида ишлаб тўғри тозалаш забойидан бир суткада ўртача кўмир қазиб чиқариш 8 процент кўпайди, қора металлургияда домна печларининг фойдали ҳажмидан фойдаланиш 1,4 процент яхшиланди, мартен печлари бир квадрат метр майдондан бир суткада олинадиган пўлат миқдори 3 процент кўпайди, конверторларнинг бир тонна сиғимидан пўлат эритиш 1,4 процент ошди. Цемент саноатида айланадиган печларнинг бир соатлик унумдорлиги 4 процент, тегирмонларнинг унумдорлиги эса 2 процент ошди. Тўқимачилик саноати корхоналарида йигириш ва тўқиш ускуналарининг унумдорлиги ошди.

Саноат маҳсулоти **тannархи ва фойда** олиш плани бажарилди. Саноатда фойда олиш ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 12 процент кўпайди.

СССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИ ҲУЗУРИДАГИ МАРКАЗИЙ СТАТИСТИКА БОШҚАРМАСИ.

ЧЕТ ЭЛЛАРДА

ЯҚИН ШАРҚДАГИ УРУШ ҲАРАКАТЛАРИ

ҚОҲИРА, 19 октябрь (ТАСС). Миср қуролли кучлари ўтган кун давомида бутун Синай фронти бўйлаб душманга қарши қаттиқ жанглар олиб борди.

Мисрнинг қуруқликдаги кучлари фронтнинг марказий участкасида авиация мадади билан душманнинг аскари ва техникасига талафот етказиб, жанговар вазифаларини муваффақият билан бажардилар.

Ҳарбий қўмондонлик қуйидагиларни маълум қилди: Миср қўшинлари баъзи участкаларда фронт линиясини ёриб ўтишга муваффақ бўлган душман бўлинмаларини қуршаб олдилар.

МЕН агентлиги ҳарбий мухбирининг маълумотларига қараганда, Миср қўшинлари кеча исроилликларнинг, уч кунлик қаттиқ қарши ҳужумларини даф этиб, ташаббусни ўз қўлларига олдилар. Синайда жанглар давом этаётганидан буён шу энг йирик қарши ҳужумлар, деб ёзади мухбир, Миср армияси учун кутилмаган воқеа бўлмади. Миср армияси душманнинг бу қарши ҳужумларини унга катта талафот етказиб қайтарди.

Миср авиацияси ҳам душман танклари тўпланган жойга зарбалар берди, айрим танкларни таъқиб қилиб, яксон этди.

Миср Араб Республикасининг ҳаво мудофаа қисмлари Исроил самолётларининг Миср аэродромлари ва фронт позицияларига қилган ҳужумларини қайтардилар. 12 самолёт ва уч вертолёт яксон қилинди. Исроилнинг тўрт учувчиси асир қилиб олинди.

Исроилнинг бир неча кемаси Порт-Саиднинг граждан объектларини тўпга тутишга уриниб кўрди. Бир кема сувга чўктирилди.

ДАМАШҚ, 19 октябрь (ТАСС). Сурия — Исроил фронтида шиддатли танк ва артиллерия жанглари давом этмоқда. Сурия артиллерияси фронтнинг бутун линиясида исроилликлар тўпланган районларга зарба берди.

Кечаги жанглар натижасида, деб кўрсатилади Сурия ҳарбий қўмондонлигининг маълумотида, душман анчагина миқдорда танк ва бронетранспортёрларини йўқотди. Бешта артиллерия батареяси, икки ракета позицияси ва ўқдори омборлари яксон қилинди.

Сўнгги кунларда Фаластин партизанлари окупация қилинган араб территорияларида Исроил қўшинларининг позицияларига бир неча бор ҳужум қилдилар. Фаластин ҳарбий вакили бундай деди: ана шу ҳужумлар вақтида Исроилнинг бир неча бронетранспортёри сафдан чиқарилди. Партизанлар Ғазо секторида темирйўл линиясини портлатдилар. Исроилликлар ана шу темирйўлдан Синай фронтига мадад кучларини юбориб турмоқдалар. Ўтказилган операциялар чоғида тўрт партизан ҳалок бўлди.

ГФР ПРЕЗИДЕНТИГА СУИҚАСД

БОНН, 20 октябрь. (ТАСС). Олти йилдан бери христиан-социалистлар союзининг аъзоси Пютер Герлиц деган киши кеча Германия Федератив Республикасининг президенти Густав Хайнеманга ҳужум қилди. Аугсбургда корхоналар эгалари бўлган ёшлар федерал бирлашмаси съездида Хайнеман делегатлар ҳузурида нутқ сўзлаётган пайтда Герлиц тўсатдан ўрнидан сакраб туриб президент олдига келди, унинг бетига шапалоқ билан солди. Герлицни ушлаб олган полициянинг айтишича, унинг ёнидан пичоқ ҳам топилди. Имконияти бўлганда у пичоқ билан уриши ҳам мумкин эди. Христиан-социалистлар союзи Аугсбург ташкилоти вакилларидан бирининг айтишича, партиявий мунозараларда актив иштирокчи эди» деб таърифлаганлиги ҳам диққатга сазовордир. Озод демократлар партиясидан Бундестагга депутат, ҳуқуқшунос Мартин Бангеманнинг сўзига қарағанда, Герлиц 1969 йилдавёқ унга мурожаат қилиб, ҳозирги ҳукумат коалициясининг етакчи арбобларини «давлатга хиёнат қилишда» айблаб судлашни талаб қилган экан.

Г. КИССИНЖЕР МОСКВАГА КЕЛАДИ

ВАШИНГТОН, 20 октябрь. (ТАСС). АҚШ Давлат секретари Генри Киссинжер Яқин Шарқдаги аҳволга доир масалаларни муҳокама қилмоқ учун Вашингтондан Москвага самолётда учиб кетганлигини Оқ уй расмий эълон қилди.

ЎЗБЕКИСТОНДАГИ УЧРАШУВЛАР

Бангладеш Халқ Республикасининг Совет Иттифоқидаги делегацияси 19 октябрда Тошкентда тугади. Меҳмонлар Ўзбекистон бўйлаб сафар қилдилар. Самарқанд, Фарғона, Марғилонда бўлдилар.

Декада қатнашчилари билан, ўз мустақиллиги ва озодлигига эришган Бангладеш халқининг ўзига хос ва ёрқин санъати билан бўлган ҳар бир учрашув СССР ва Бангладеш ўртасидаги мустаҳкамланиб борётган алоқаларнинг рамзига айланди.

Декада қатнашчилари Ўзбекистонда ўтказилган кунлар хотирамизда ҳамиша сақланиб қолади, мамлакатларимиз вакиллари ўртасида мустаҳкам ижодий алоқаларни ўрнатишга ёрдам беради, дейишди.



«Ташкентхлеб» ишлаб чиқариш бирлашмасининг 3-корхонаси коллективи бир неча-кундузда 120 тонна турли хил нонлар пиширib бермоқдалар. Суратда: корхонанинг ишлаб чиқариш мудири Шуҳрат Каримов ва корхонанинг ишчиси Дилором Раҳмонова савдо шохобчаларига жўнатилаётган нонларни кўздан кечирмоқдалар.

И. Глауберзон фотоси.

Бугун—Озиқ-овқат саноати ходимлари куни

МЕҲНАТ АРМУҒОНИМИЗ

БИЗНИНГ СУҲБАТ

Республикамиз саноатининг катта тармоқларидан бўлган озиқ-овқат саноатининг ходимлари ўз анъанавий байрамларини Ўзбекистон Компартияси ҳамда Ўзбекистон ССР ташкил этилганлигининг 50 йиллигига тайёргарлик қизғин тус олган бир пайтда, республикамизнинг Халқлар дўстлиги ордени билан тақдирланиши муносабати билан меҳнат ва сиёсий активликларини янада ошган ҳолда кутиб олмоқдалар. Байрам арафасида «Совет Ўзбекистони» мухбири Машҳура МИРЗАМУҲАМЕДОВА республика озиқ-овқат саноати министри Воҳид Содиқович СОДИҚОВга бир неча саволлар билан мурожаат қилди.

Мухбир: Озиқ-овқат саноати ходимлари байрамга қандай совғалар тайёрладилар?

Министр: — Республикамиз меҳнаткашлари КПСС XXIV съезди ва Ўзбекистон Компартияси XVIII съезди қарорларини амалга ошира бориб ҳамда тўққизинчи беш йилликнинг ҳал қилувчи йили планларини муддатидан олдин бажариш учун бошланган социалистик мусобақани кенг авж олдириб, саноат, капитал қурилиш, қишлоқ хўжалиги ва халқ хўжалигининг бошқа тармоқларини ривожлантиришда дуруст натижаларга эришиб, мамлакатимизда коммунизмнинг моддий-техника базасини яратиш ишига муносиб ҳисса қўшмоқдалар.

Республикамизнинг озиқ-овқат, гўшт ва сут саноати ходимлари ҳам республикамизда саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш тўққиз ойлик планини муддатидан олдин бажаришга маълум ҳисса қўшдилар. Озиқ-овқат саноати маҳсулоти ишлаб чиқариш тўққиз ойлик плани 102,2 процент адо этилди. Гўшт, сут маҳсулотлари ишлаб чиқариш плани эса 105,7 процентга етказиб бажарилди. Пландан ташқари 13100 минг сўмлик гўшт, сут маҳсулотлари ишлаб чиқарилди. Бу ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан озиқ-овқат саноати бўйича саноат ишлаб чиқариши ҳажми 6,6 процент, гўшт ва сут маҳсулотлари бўйича эса 7,5 процент кўп демакдир. Озиқ-овқат саноати министрлиги бўйича планга қўшимча 43,2 миллион сўмлик, Гўшт ва сут саноати министрлиги бўйича 20,5 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди.

Мухбир: — Маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтиришга таъсир этаётган омиллар ҳақида сўзлаб берсангиз.

Министр: — Шу йилнинг тўққиз ойи мобайнида меҳнат унумдорлиги ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан озиқ-овқат саноати соҳасида 5,6 процент, гўшт ва сут саноатида эса 8,3 процент кўпайди. Меҳнат унумдорлигини муттасил кўтаришнинг асосий омиллари — ишлаб чиқаришга фан ва техника ютуқларини жорий этиш, мавжуд ишлаб чиқариш қувватларидан янада унумлироқ фойдаланиш, ишчи ва хизматчиларнинг малакасини тинмай ошириш, меҳнатни ташкил этишни ва ишлаб чиқаришни бошқаришни яхшилаш, социалистик меҳнат интизомини янада мустаҳкамлашдир. Йил бошидан буён Озиқ-овқат саноати министрлиги соҳасида янги техника ва технология бўйича 23 та тадбир амалга оширилди. Гўшт ва сут саноати министрлиги бўйича эса 20 та тадбир ишлаб чиқаришга татбиқ этилди ва бундан 100 минг сўмлик иқтисодий фойда кўрилди. Озиқ-овқат саноати министрлиги системасида рационализатор ва ихтирочиларнинг 400 та таклифи ишлаб чиқаришга жорий этилди. Гўшт-сут саноати министрлигида эса 186 та таклиф жорий этилди. Ишлаб чиқариш илғорларидан коммунистик меҳнат зарбдори, Фарғона ёғ-мой комбинати ишчиси Маҳмудов, Кўқон ёғ-мой комбинатининг ишчиси Умаров, Тошкент гўшт комбинати ишчиси Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Қодиров, Карши сут заводининг мастери Аланаева, Андижон консерва заводи ишчиси Аҳмедзонова, «Тошкентвино» комбинатининг оператори Акимбоева ва бошқалар фидокорона меҳнат қилиб, бошқаларга намуна бўлмоқдалар.

Бутуниттифоқ социалистик мусобақасида Кўқон ёғ-мой комбинати, Фарғона ёғ-мой комбинати «Тошкентвино» комбинати, Кўқондаги «Ҳурмат белгиси» орденли нон комбинати, Олмалиқ ва Чирчиқ гўшт комбинатлари, Тошкент сут заводи, Самарқанд мева-консерва заводи ва Фарғона ҳамда Тошкентдаги 6-пиво заводлари, тамаки фабрикаси, Тошкент булка-кондитер комбинатлари коллективлари энг яхши кўрсаткичларга эришмоқдалар. Бу коллективлар ой сайин ўз техника иқтисодий кўрсаткичларини ошира бориб, СССР Озиқ-овқат ва Гўшт-сут саноати министрлиги ва озиқ-овқат саноати ходимлари касаба союзи Марказий Комитетининг Кўчма Қизил байроғини бир неча бор олишга муваффақ бўлдилар. Улар Бутуниттифоқ социалистик мусобақасида биринчи ўринни қўлдан бой бермай қоляптилар.

Мухбир: — Маҳсулот сифатини яхшилаш учун қандай чоралар кўрилмоқда?

Министр: — Озиқ-овқат ва гўшт-сут саноати маҳсулотлари ишлаб чиқариш йилдан йилга ортиб бормоқда. Уларнинг сифати яхшиланмоқда, хили кўпаймоқда. Саноатимиз ходимлари кам харажат қилиб, сифатли маҳсулот ишлаб чиқариш шиори остида меҳнат қиляптилар.

Тошкент «Ўртоқ» кондитер фабрикасининг «Оқ олтин» конфети, «Тошкентвино» комбинатининг «Алеатико» виноси, Наманган вино заводининг «Ширин» винолари, шунингдек, гўшт ва сут маҳсулотларининг 12 турига давлат «Сифат белгиси» берилди. Бутуниттифоқ халқ хўжалиги ютуқлари кўргазмасида Фарғона, Наманган, Олмалиқ ва Тошкент гўшт комбинатларининг маҳсулотлари юқори баҳо олдилар. Йил бошидан буён 20 хил янги маҳсулот ишлаб чиқаришга йўлга қўйилди. Лекин бу ишлар ҳали харидорларимизнинг кун сайин ўсиб бораётган талабларини етарли қондира олмайди. Шунинг учун маҳсулот ишлаб чиқаришда харидорларнинг талаб ва эҳтиёжларини ҳисобга олишимиз, уларга манзур бўладиган маҳсулотлар ишлаб чиқаришимиз лозим. Беш йилликнинг учинчи йили планларини бажаришда маълум муваффақиятларни қўлга киритдик. Лекин шунга қарамасдан, ҳали бизда фойдаланмаётган имкониятлар кўп. Баъзи корхоналар, қурилиш ташкилотлари ҳамда ихтисослаштирилган совхозлар ўз ишлаб чиқариш планларини ва план-топшириқларини бажара олмаётирлар. Маҳсулот сифатини яхшилаш учун жуда кўп меҳнат қилишимиз лозим. Биз мавжуд камчиликларни бартараф этиб, зиммамиздаги план ва мажбуриятларни бажариш учун бутун куч ва имкониятларни ишга солишимиз даркор. Бу Ўзбекистон Компартияси ҳамда Ўзбекистон ССР ташкил этилганлигининг 50 йиллигига меҳнат армуғонимиз бўлади.

Пахтазор мушоираси

Ойна Рустамова Ғузор районида донг таратган чевар теримчилардан ҳисобланади. «Халқобод» колхозининг бу илғор теримчиси ўтган йили 11 тонна «оқ олтин» териб ўз дугоналари орасида пешқадамлик қилган эди. Ойна Рустамова бу йил 12 тонна пахта термоқчи. Шунинг учун ҳар куни 180—190 килограммга етказиб, «оқ олтин» термоқда. Суратда: Ойна Рустамова.

Н. Содиқов фотоси.



ШОИР «Сермазмун зўр китоб» деб таърифлаган Ўзбекистон пахта далаларида меҳнат сурони авжида. Бутун республика енг шимариб ишлаяпти. Партия раҳбар ходимларидан тортиб колхозчиларгача, ишчилардан тортиб зиёлиларгача, олимлардан тортиб талабаларгача-барча бугун ўз ўрнини пахта далаларида деб билади. Бизда ҳамма ўзини пахтакор ҳисоблайди, пахтакор республиканинг фарзанди эканидан чексиз фахрланади. Ҳамма ўзини «оқ олтин» учун курашда сафдабар деб биладн. Халқ руҳидаги бу сафдабарлик азми, буюк яратувчилик меҳнатига чанқоқлик-жамиятнинг буюк бойлиги. Бу шундай кучки, у йўқни бор қилади, чўлларни гулистонга айлантиради, оқ пахтанинг кумуш толаларидан тоғлар яратади. Бугун 4 миллион тоннадан анча ошиб кетган ва 4 миллион 850 минг тонналик катта хирмоннинг энг юксак довонларига яқинлашиб қолган халқнинг шижоаткорлиги янада қизғин, руҳи янада кўтаринки.

Беш миллион тоннага етай деб қолган буюк хирмонни миллион чаноқлардан мисқоллаб йиғиш хазилакам иш эмас. Бу бенихоя азим меҳнат, чексиз сабот ва матонатни, ғайрат ва шижоатни талаб қиладиган меҳнат. Бу нодир сифатларнинг ҳаммаси сенда мужассам, азиз пахтакор! Серқуёш далаларни кезаётган, сенинг қахрамонона меҳнатингни ўз кўзлари билан кўраётган,мислсиз довонларни забт этувчи қудратингга гувоҳ бўлаётган республика адиблари ва шоирлари, ўзбек адабиёти шаънингга бағишлаб неча ўн йиллардан бери муттасил яратиб келаётган «Қаҳрамонноманинг янги бобларини қайноқ қалб ҳарорати билан қоғозларга туширмоқдалар. Меҳнат абадий, яратувчилик абадий, сенинг шонли меҳнатинг ҳам, азиз пахтакор, янги, янада юксак марраларни елмоқда. Бундай жанговар ва қайноқ воқеалар сершавқ юракларда акс-садо топмаслиги, янги жўшқин тароналарга қанот бермаслиги мумкин эмас.

Ушбу шеърлар ҳам бевосита пахтазорлар бағрида, эгатлар орасида, сенинг яратаётган кумушранг хирмонларинг қаршисида туғилган. Бу мисралар сенинг ҳиммат ингва жасоратингни жўшқин қўшиқлари эканлиги билан кўнгилга яқиндир. Улар ҳали сен ҳақингда келгусида ёзиладиган янги ажойиб асарларнинг, достонларнинг қалдирғочларидир. Марҳамат, шоирлар тароналари сенга, қаҳрамон пахтакор!

«Совет Ўзбекистони» йўлланмаси билан

АМУДАРЁ ҒАВҲАРИ

Ўлмирза ОЙМИРЗАЕВ,
Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган санъат арбоби,
Бердақ мукофоти лауреати.

Тундаги тентак ел сўнгги бор дайдиб, аллақайси қум ўркачлари ортига бикинди. Қуёш балкиб-балкиб уфқ гардишига ўрнашди. Тонг қушлари увушган патларини тараб, оқ қушлар билан мастона ўйнаган Орол томон талпинди. Какликлар донлади. Яйловга мол ёйилди. Қўй-қўзилар ўт чимди. Сувсуру-суру йилқилар қиёқ эорда шўхланди.

Кумуш кузнинг кўксида дунё яшариб, оқи оқ, қизили қизил бўлиб турибди. Дала тошлари суқ тушгудек ажабтовур, дилрабо. Қўш ишонли Қорақалпоғистоннинг тиниқ, жонбахш манзараси кўзга жуда иссиқ кўринади. От туёғи ариб тушган тақир йўқ, чўлда лаби пўрсиллаган фақир йўқ. Ҳамма ёқда ҳаёт нахри, кўрганнинг очилар бағри, пахтазор элнинг фахри.

Туямўйнининг туб-тубида тойчоқдай ўйноқлаб оққан Аму чўли бинёонларга оби ҳаёт элтиб, она кўксига бош қўйгандек Орол қўйнида эркаланиб ётишининг ўзи бой табиатнинг буюк мўъжизаси, ажиб эҳсони эмасми, ахир! Қулф урган боғ, шира тортган мева, бодрай очилган пахта, олтиндай товланган шоли ана шу чўнг дарё билан яратувчи меҳнатнинг тансиқ неъматидир. Тарам-тарам олма дейсизми, бол маза анжир дейсизми, ёқут кўзли анор дейсизми, қарс-қарс қиладиган узум дейсизми — ҳаммаси ҳозиру нозир. Тосдай тўнтарилган тарвузлар, майда тўрлаган қора урганжи қовунлари пуштасига сигмай думалайди. Хуллас, тўрт тулук молли-ҳолли Амударё инсон дунёсини чечаклар билан безаб, ҳаёт нахридай оқаётир, оқаётир, оқаётир...

Бу йилимиз алоҳида, баҳолн йил. Худди шу йили Ленин орденининг ёнига «Халқлар дўстлиги» ордени қадалиб, Қорақалпоғистон қўш орденлор республика аталди. Юзларча моддий бойлик яратувчилари кўксида орден ва медаллар ярқиради. Қанчалаб қарчигай келбатли ўғлонларимиз, тўлинойдай хотин-қизларимиз «Социалистик Меҳнат Қаҳрамони» деган катта атоқ олди. Маънавий дунёмизни бойитувчи илм ахлидан бир нечаси кандидатлик ва докторлик диссертацияларини ёқлади.

Ҳаёт сермаъно!
Қуёш порлоқ!
Ел ёқимтой!
Эл шодмон!

Эркин меҳнатидан барака топган ва топаётган лафзи бутун, аҳдида маҳкам халқ ана шу изтаблардан беҳад руҳланиб, «оқ олтин» учун курашда бир ёқадан бош, бир енгдан қўл чиқарди. Олти ой ёз шиширган, қизғин меҳнат топширган пахтани ардоқлаб, тоғ-тоғ хирмонлар ясашга отланди.

Пахта — рўзғорнинг нераги, умрнинг тираги. Ҳаётимиз қомуси, эрлигимиз номуси. Дўстлигимиз довруғи, бирлигимиз қўшиғи. Шу боисдан ҳам шоирлар пахтани таърифлашда фақат олтинга қиёслайдилар. «Оқ олтин»ни олтин қўллар яратгандир.

Чўлда кўриб қут-барака тошганин,
Билдим недан эл теримга шошганин.
Пахта обрў олиб берар одамга,
Ардоқлагум марралардан ошганин.
Ниҳу тердан унганим шу пахтадир,
Менинг қалам йўнганим шу пахтадир.
Эгни-бош бут, чўмич ҳам мой бўларкан,
Иссиқ-совуқ — кўнганим шу пахтадир.

Асрлардан асрларга, авлодлардан авлодларга улашиб, бир ёғи Сир, бир ёғи Аму бўйларида сувлашиб, битта чигитдан униб, битта ниҳолдан ўсиб кетаётган пахтанинг қадрини халқимиз яхши билади. Пахтасиз унга еган-ичгани, кулган-ўйнагани татимайди. Пахта рапорт-ларсиз тўйлари қизимайди, дурлари тизилмайди. Пахта — кўнгил хуши, белнинг кучи. Қарининг ақли, ёшнинг нақли. Шу сабаб қимирлаган жон борки, пахтазорда ишлайди, техникани пешлайди, чиллада қанд тишлайди.

Пахтанинг миллион баҳори тарих дафтарларида такрорланса-да, бу йилги умидбахш баҳор бинан файзли куз ҳаммасидан ҳам ортиқ, зиёда, қимматли бўламан деб турибди. Негаки, олдинда нишондор Қорақалпоғистоннинг 50 йиллик тантанаси бор. Қорақалпоқларнинг Россияга ўз ихтиёрлари билан қўшилганига 100 йил тўлар тарихий маъракаси бор. Бундай довруқли саналарга карвон-карвон пахта ортиб бориш афзалу аъло-дир! Қаҳрамонликка «оқ олтин» ярашади.

Тўрткўл деса кўзим тўрт, ошнолари ширин юрт. Тўрткўл меҳнатчилари деб илҳом тойчоқларини кўпиртирсам кўпиртиргудекман. Наинки, Тўрткўл — республикамизнинг киндиги кесилган ер. Биринчи пойтахт шаҳри. Тўрткўл — тарихлар тилсимини очган элат. Унда Фобробий, Беруний, Хоразмий назлари бор. Тарихий қўрғонлари минг йиллик меҳнаткашлигимиздан тилсиз ёдгор! Вақтики, бу элат кўхна қалъаларнинг занглаган дарвозалари ўрнида янги бўстонларнинг «оқ олтин» дарвозаларини очди.

Тўрткўл десам, оғзимдан бол томади,
Тўрткўл — ризқли элнинг катта омади.
Тўрткўлдаги тўй-тўйлашган туйғанни
Таърифини қилиб армон қолмади.
Тўрткўлимда боболарнинг изи бор,
Қучогида тарихларнинг сўзи бор.
Кўкни ўпган тепаси оқ жигали,
Пахтаси бор, «бўл-ҳай!»лашган кузи бор.

Ҳар куни икки — икки ярим процент пахта топширю тўғран Тўрткўллик мард деҳқонни дилдадан қутлаш билан, эвди шу процентларни уч тўртга чиқарсин, деган азму тилагим, бир шоирлик мададим бор.

Улуғ аждодимиз яшаган бу масканни — Берунни номидаги жойни мендан ҳаяжонли қилсангиз керак. Ҳали-қали эсимда: ана шу пахтакор районда ўтказилган Абу Райҳон Ал Беруний боболарнинг тўғида суғишганлар билан олтин бўсатани боғлаб, тўйхонанинг тўрида керилиб ўлтирганларим.

Аскартогнинг қорли бошига ўрмалагандай, унинг мардона товуши олис-олислардан акс-садо бермоқда. Берунни районининг пахта процентлари кўнгилга завқ-шавқ солаяпти. Бахшиларга ўлан тўқитмоқда.

Суқим тушди Берунийнинг элига,
Қизлар сочи ўралади белига.
Ниласини олтин бўлган тупроғи,
Салом бўлсин «оқ олтин»ли ерига!

Имоним комилки, берунийчилар бу йилги пойганинг олдида борадилар ва она-Ватанни катта ҳиммат ларн билан хурсанд қиладилар.

Ҳўжайин халқи ғоят қудратли, покдомон халқ. «Юздан юғурин, мингдан чопқир» дегандай кўжайинлик қаҳрамонлар ҳар куни уч процентдан зиёд пахта уймоқдалар хирмонга. Республикамизнинг «оқ олтин» карвонини олға бошлаётган ҳам худди шу азамат район.

Ялт-юлт қилиб хаёлни банд айладинг,
Карвон тузиб олис йўллар сайладинг.
Халқимизнинг ардоқлиги ҳўжайин,
Бир сатримга минғта сатр бойладинг.
Пок умидда яқин бўлди йирогинг,
«Оқ олтин»ли Амударё қирғоғинг.
Жазирада тош ёрган Тахнатош,
Тун-кун порлаб турар Ильич чироғинг.
Карвон борар, қўй изидан қўзидай,
Ҳилпирасин ғалабали байроғинг.

Нукусликларга ҳам тан бермасдан илож йўқ. Улар энди навбаҳордаги азим меҳнатлари, саратондаги қатра-қатра сидрилган терлари роҳатини кўраб деб турибдилар. Нукус райони огир тонналарни чўтга солмоқда. «Оқ олтин» далаларида машиналар қайнаб ётибди. Биров пахта терган, биров шоли урган, биров мева узган. Олтин куз ҳаракати ва баракати ҳар йили шу хилда такрорланади.

Қоратоғ қовоқ осишини қўйибди,
Бештепанн қуёш нури суйибди.
Гул-гул яшнаб Нукусдай ёш районим
Хирмонларга нуқул олтин уйибди.
Хирмонларнинг боши кўкка тегибди,
Мева дарахт солланиб бўй эгибди.
Боғ-боғчада қовун-тарвуз дум бериб,
Шоирлар тўйхатга имзо чекибди.

Йўлим энди Қунғиротга тушгандай, яйраганим-яйраган. Ўрқаси Орол, қунчиқари Амударё, кунботари Устюрт, қибласи Бухородан Уралгача чўзилган, компрессор станциясидан оқ тутун сузилган Қўнғирот.

Кегайли — галиди жой. Кифти ер ишкамаган пахтакорлари бор. Бири-биридан ўткир, бири-биридан ўмровли, бири-биридан заҳматкаш. Пахта деганда жонини ҳам аямас.

Шуманайликларнинг олганлари олтин, тўйлари олдин бўлай деб турганга ўхшайди. «Зангора кема»лари элнинг оғирини енгил, қудратини денгиз қилипти.

Танти амударёликлар довонма-довон марраларни чамалаб боришаётир. Ленин орденли Максим Горький номидаги совхоз ишчилари катта курашга бирдам отланишган. Социалистик Меҳнат Қаҳрамонлари Ойимхон Камолова билан Отажон ота Худойбергеновга ўхшаган пахта усталари ана шу курашда карвонбошилик қилмоқдалар.

Ленинободликлар Ленин берган бахтга беланиб, пахтазорларда марду майдонлик қилмоқдалар.

Чимбойга чигитлик азалдан мерос. Меҳнати ҳам чин, шодлиги ҳам чин, муҳаббати ҳам чин, шоирлиги ҳам чин. Отлари ўчқур, моллари миқти, қўшлари сайроқи.

Тўқсон отдан ўзиб келган бойчибор
Тўрт туёғинг оқ сийнамга босилган,

дегандай, аргумоқларинг пойгаларда соврин олиб келса, баракаларинг димоғимни чоғ қилса, пўлат чавандозларингни бағримга босай.

Тахтакўпир тўйга тулпор қўшмоқда. Тўйчилар ҳалитдан эт осайликми, балиқ осайликми деб гуришибди. Ниятларинг бўлдошинг бўлсин, азамат элим!

Қўш орденли Қорақалпоғистоннинг ҳозир айни куч-қувватга тўлган чоғи. Пахта ишини виждон иши, ор-номус иши, қаҳрамонлик иши деб, курашни қизитгандан қизитмоқда.

«Оқ олтин»га отланиш бу, отланиш,
На отланиш, шодланиш бу шодланиш.
Қутлуғ бўлсин, қоракалпоқ жигарим,
Ғалабалар ишқида қанотланиш.

ҒАЙРАТИЙ,
Ўзбекистон халқ шоири

ПАРВОЗ

Қуёш нурин ичиб тобланган,
Кенг пахтазор бўлсин маконинг.
Эрнин меҳнат завқила ёнган
Утмасин ҳеч қимматли онинг.

Парвоз қилгин уфққа томон,
Сароб эмас, кутар хазина.
Изларингдан юксалар хирмон,
Тонналарнинг Марсгача зина.

Эй, аждлдан яралган қудрат,
Афсонага ўхшар хиромнинг.
Парвоз қилсин ижод, зеҳният,
Курранн забт этсин мароминг.

Парвоз қилгин, ёз пўлат қанот,
Салмоғи чўнг бу йилги аҳднинг.
Қилмаҳандир тантана сабот,
Эй, пахтакор омадинг-бахтинг.

Мўъжизакор техника кучи
Томир ёзсин водий, ўлкага.
Пахтакорнинг шарафли бурчи,
Қуёш каби доим елкада.

АЗИЗ ПАХТАКОР, МАДҲИМИЗ СЕНГА!

МИЛЛИОНЛАРДАН СЎЗЛАЙМИЗ

Ўнданмас, юзданмас, мингдан сўзлаймиз.
Мингданмас, миллиондек чўнгдан сўзлаймиз.
Сўзимиз залвори хирмонимиздай,
Хирмонлар пок ғрур имонимиздай.
Пахтазор — ризқимиз тўла дастурхон,
Ундан туз тотмаган қайси бир инсон?
Пахтакорлик — бизнинг ота касбимиз,
Ота касбни қилган етти пуштимиз.
Шу қадим тупроққа яшаган ҳар жон,
Пахта деб, бошида бўлган гиргиттон.
Пахта — сўзларининг бўлган қомуси
Ва умрин мазмуни, ору номуси.
Қадимгидан ўнданмас, юзданмас, бугун
Мингдан, миллиондан сўзлаймиз мамнун.
Теримга бутун бир ўлка сафдабар,
Ўлка бўйлаб кезар ҳар кун хушхабар.
Пахтакор деҳқонлар қаддини тутиб гоз
«Оқ олтин» тоғига бермоқда пардоз.
Ўнданмас, юзданмас, мингдан сўзлайди,
Мингданмас, миллиондек чўнгдан сўзлайди.
Ўзбекистон бўйлаб кезсанг онда,
Умринг ўн баробар бўлур онда.
Оқариб кўринар тоғлар кўзингга,
Ишонмай қолсанг шунда ўзингга.
Табиат тиклаган тоғлар эмас бу,
«Оқ олтин» тоғлари ғрур бу тоғлар,
Бу, деҳқон қўли-ла яралган тоғ-ку!
Бу тоғлар ҳар кимса ақлини боглар.
Бу тоғлар — миллионлаб тонналан бунёд
Бўлгани туфайли ушимиз обод.
Шунинг-чун бағрими пахтазордай кенг,
Тоғ бунёд қилгувчи билагимиз чўнг.
Шунинг-чун кўнглимиз пахтадай юмшоқ,
Кўксимиз шу тоғлар сингари юксак.
Шунинг-чун ўзданмас мингдан сўзлаймиз,
Мингданмас, миллиондек чўнгдан сўзлаймиз.

Барот БОЙҚОБИЛОВ.

ЧАНОҚ

Меҳнат оғушида яйраб, дўстларим
Ғайрат-шижоатим қайнар булоқдай.
Тўлқинланар қалбда ноёб ҳисларим
Ва мунаввар чеҳрам зарҳал чаноқдай.
Шу боисдан кунлар завқли ва ўктам
Далалар бағрига чорлайди ўлкам.
Шу чаноқ меҳрила енаман ҳаргиз,
Бунда мужассамдир инсоннинг қадри.
Оқ водий чиройин қилади кўз-кўз,
Олам узра юксак, буюкдир бағри.
Шу боисдан кунлар завқли ва ўктам
Далалар бағрига чорлайди ўлкам.

Шу азиз чаноқнинг шарофатидан
Аҳли дунё ҳуррам, мамнун ҳамиша.
Шу чаноқнинг қутлуғ салобатидан
Юртлар бир-бирига саҳоватпеша.
Шу боисдан кунлар завқли ва ўктам
Далалар бағрига чорлайди ўлкам.

Шарофжон ОРИФИЙ.

ХИРМОНЛАР ЮКСАЛСИН

Миршкор ўзбекмиз, каттадан-кичик
Кўлдан шуҳратимиз жаҳонга кетган.
Ватан фарзандимиз жондек ардоқли,
Шараф пахтасига меҳрин бирктган.

Бирмиз ишчи-ю, бирмиз олим,
Санъаткор бирмиз, бошқамиз боғбон.
Бир ота ўғлимиз, юлдузимиз бир
Бахтимиз кўкида қуёш чароғбон...
Тўрт миллион саккиз юз эллик минг тонна —
Улуғ елкамизда, нур устига нур.
Замину осмон қимматимизга —
Олқишлар ёғдириб дер: — қандингни ур!
Саҳий тупроғимиз бойликларга кон,
Говмишдек тўлдириб тутар сийнасин,
Техника мададкор хизматимизда,
Олтинга тўлдириб эл хазинасин.
Шу орзу иштиёқ билан бугун биз
Дарёдек жўшамиз термига шошиб.
Пахтазор чорлайди, қудратимиздан
Хирмонлар юксалсин кўкка туташиб!

Толиб ИЎЛДОШ

Пахтазорга юр!

Далада ҳукмрон ажойиб сурур,
Ҳосилдан деҳқоннинг юзида ғурур.
Пахтасига боқиб қилади ҳузур,
Даласидан кетмас кеча-кундуз нур.
Интизор бизларга чаноқларда дур,
Юр дўстим, мен билан, пахтазорга юр.
Дўстларнинг қўлига сен ҳам бергил қўл,
«Оқ олтин» термоқда сен ҳам олгил йўл.
Қатордан қолмасдан ҳиссангни қўшиб,
Марраларнинг ёнида марду-майдон бўл.
Интизор бизларга чаноқларда дур.
Юр дўстим, мен билан, тез кашарга юр,
Отланган бутун эл далага бу кун,
Эзғулик ишқида бир жон ила тан.
Қаддин чўзиб хирмон ўккка куну-тун,
Сенга тўёна, деб эй, она-Ватан!
Интизор бизларга чаноқларда дур,
Юр дўстим, мен билан, пахтазорга юр.

Бенмурод СУЛТОНОВ,
Задарё райони.

КАПИТАН ҚИЗ ҚЎШИҒИ

Зангор кемам «оқ денгиз»да сузганин кўр,
Неча улкан кемалардан ўзганин кўр,
Бор кучимни ишга солиб мардонавор
Тинчлик учун ғавҳардан тахт тузганим кўр.

«Оқ денгиз»да зангор кемам «гулдир-гулдир»,
Бинкеримга қуюлар дур «ялдир-ялдир»,
Машинамнинг пойни ўпиб кулишади,
Зар чаноқлар оғзин очиб «шалдур-шулдир».

Республикам оқ денгизлар ўлкасидир,
Зангор кемам техникалар эркасидир,
Зангор кемам пахтакорнинг оғир ишин
Енгил этган ишчи дўстим тухфасидир.

Зангор кемам «оқ денгиз»да йўрғалайди,
Шпинделлар қаторларни қармалайди,
Санъатимга таҳсин ўқиб сайёралар,
Жилмайишиб кўкдан менга мўралайди.

«Зангор кемам» капитани мен ўзимман
Пахта юрти — Ўзбекистон шер қизиман,
Пахта ишқи юрагимда ёнган куёш,
Пахтазорнинг ёркин маёқ—юлдузиман.

«Оқ денгиз»да кезар кемам алвон-алвон,
Терган пахтам оймомага бўлди нарвон,
Ёр таъриф-тавсифимни оламаро,
Едгор бахши менга атаб қўшиқ достон.

Едгор бахши ИСҲОҚОВ.

Пахтазорда, дўстларим, кўзларим яшнар менинг
Порлаган дурлар томон кўнгил куйи
бошлар мени.
Кездиму эллар аро бунчалик нур кўрмадим,
Пахта мадҳин ёд этиб дилларим қувнар менинг.

Ҳар чаманда, анжуманда яшнар бахтим
гуллари,
Катта карвон йўлларида толеимнинг нурлари,
Меҳрибондир, менга ҳар дам дўстларим
кўнгиллари,
Меҳнатимнинг васфини гулшаним сўйлар
менинг.

ДОЛИЗАРБ

Пахтакорим,
Бой берма авжинг,
Ҳосилинг тошқин,
Карвонинг ғуж,
Дилгўйла мавжинг,
Шижоат жўшқин.
Кирдик яна масъул паллага
Сурьат дер фурсат.
Юрт нигоҳи
Бутун далада
Ҳиммат ин кўрсат!
Тутди Ватан табаррук минбар
Бердик ваъдани,
Бир ғайратни
Этайлик мингбаъд

Авж қилинг,
Қани!
Партиянинг берган даъвати
Юракдаги кўр.
Дадил олға юр!
Сенга омад тилайдм ҳар зум
Эл-элатлар жўр,

Манзилга от сур.
Кўкка чиқди булут карвони.
Синовчан боқиб,
Туширмоқчи бўлди атайин
Сурьатни қоқиб.
Куз ғайрлик кўрсатиб
Ҳар кун
Кундузни қирқар.

Қуёш энди ётоқдан кечроқ
Эриниб чиқар.
Дам ғаннмат деганлари рост,
Фурсат ғаннмат.
Далада кўз оқидай пахта,
Қанча ноз-неъмат.
Манзилларга ваъдадан ортиқ

Карвон қадайлик.
Юрт шаънига
Бўлсин деб тортиқ
Тоғ-тоғ қилиб,
Хирмон қалайлик.
Анжнонча ғайрат,
Шижоат

Дилда жўш урсин.
Бурчимизни одатдагидай
Мамлакат кўрсин.
Долизарбда
Е донг чиқади,
Е чанг чиқади.
Сурьати бор хирмон тиклаб,
Вақтни йиқади.
Далаларда улуғ маърака,
Долизарб дамдир.
Интилганда қут ва барака
Шараф ўктамдир!

Зоҳиджон ОБИДОВ.

Пахта чаманида

Ш. РАМАЗОНОВ музикаси
Ҳайдар МУҲАММАД шеъри.


„ШИМОЛИЙ ҚУТБ—22“



◆ АРКТИКА СИРЛАРИ ЯНАДА ОШКОР БЎЛМОҚДА.

◆ ҚУТБДА ЯНГИ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ СТАНЦИЯСИ ИШ БОШЛАДИ.

◆ КЎЧИБ ЮРУВЧИ СТАНЦИЯ АНИҚ МАЪЛУМОТЛАР ЮБОРАЁТИР.



Арктика совет кишиларига чинакамига бўйсинмоқда. Чунки асрий музликлар ажойиб қутбчиларимиз томонидан қадамбақадам эгалланиб, унинг сиру асрорлари очилмоқда.

Яқинда Муз океанининг шимолий кенгликдаги етмиш олтинчи градусида «Шимолий қутб—22» илмий-тадқиқот станцияси иш бошлади. Бу янги станция қутбчиларининг ҳаммасини ҳамда ундаги жиҳозларни «Владивосток» музёрари ҳамда «Капитан Кондратьев» дизель электроходлари томонидан музлик оролига элтиб қўйди ва қутбчилар муваффақиятли ўрнашиб олишди. Шуниси қувончлики, кўчиш билан бир вақтнинг ўзида барча зарур асбоб-анжомлар, илмий аппаратлар ёқилғи ва бошқа нарсалар бу ерга бир йўла келтириб олинди.

«Шимолий қутб-22» Арктикага штурм қилишнинг маълум даврларидан бири ҳисобланади. Совет олимлари планетамизнинг ана шу музликлар қўриғини атрофлича ўрганишнинг кенг программасини ишлаб чиқишди. Шимолни бу сафарги тадқиқ қилиш ўттиз миллион квадрат метр майдонни ўз ичига олган бутун Қутб ҳавзасини учиб айланиб чиқиш, тадқиқотчиларнинг бир группасини музга қўндириш, кўчиб юрувчи автомат станциянинг қай тарзда ишлашини кузатишни назарда тутади. Бундай тадбирлар Муз океанидаги ҳамда Арктика атмосферасидаги табиий процессларнинг математик моделларини ишлаб чиқиш ва текшириш учун зарур бўлган барча маълумотларни беради. Қутб денгизларининг музлик табиатини олдиндан дадил таҳлил қилиш, планетанинг шимолий ярим шаридаги улкан кенгликлар об-ҳавосини тўлароқ айтиб бериш имкониятларини яратади.

Ана шундай миқёсдаги улкан ишларни бажариш учун албатта Арктика ҳавзасининг жуда олис-олис майдонларида узоқ муддат давомида турувчи бирор база яратиш ғоятда зарур эди. Яқинда ўн минг квадрат километр майдонни ишғол этган Музлик оролида «Шимолий қутб—22»нинг байроғи баланд кўтарилди. Бу ер юқорида кўзда тутилган база учун ғоятда қулай майдон ҳисобланади.

Эндиликда бу янги станция муваффақиятли иш олиб бормоқда. Станция билан доимий радио алоқа ўрнатилган. Яқин кунларда ундан илмий маълумотлар мунтазам равишда олиб турилади. Арктикани ўрганаётган совет тадқиқотчилари планетамизнинг энг олис нуқтасида содир бўладиган турли жараёнлар тўғрисида янгидан-янги маълумотлар олиб туришга муяссар бўладилар.

Станциянинг бу ерда иш бошлайдиган дастлабки куни экспедиция аъзолари ҳаётида ғоятда қувончли бўлди. Ана шу куни музлик оролида — шимолий кенгликнинг етмиш градус ўн тўрт минут, ғарбий узунликнинг 160 градус 31 минут координатларида Совет Социалистик Республикалари Иттифоқининг табаррук қизил байроғи кўтарилди. «Шимолий қутб—22» кўчиб юрувчи янги илмий-тадқиқот совет станцияси шу зайлда иш бошлади.

Станция коллективи қизил байроқни кўтаришдек шарафли ишни радиостанция бошлиғи, коммунист, фахрий қутбчи Олег Бровга ҳамда станциянинг энг ёш аъзоси — қутб ошпази — комсомол аъзоси Валентин Дондуновга топширишди.

Қутбчилар мачта билан байроқ ўрнатилган поселкага ва марказий майдонга «Владивосток» деб ном беришди. «Шимолий қутб—22» совет илмий-тадқиқот станцияси Шимолий муз океанида ана шу зайлда иш бошлади. Янги станция совет шимолини ўрганишда янгидан-янги маълумотлар беради ва шимолий кенгликдаги жуда кўп сирларни билишга катта ёрдам беради.

Суратларда: **янги станцияни Музлик оролига йўл олаётган пайти ҳамда «Шимолий қутб—22» станциясининг байроғи кўтарилиши акс эттирилган.**

Ю. Муравин фотолари. (ТАСС фотохроникаси).

Ахлоқ—одоб мавзуида

Инсон кўрки

Иффат ҳам инсон кўркидир. Унинг маъноси покликдир. Аиб, гуноҳ ишлардан ўзини сақлаб, халқ назарида расво этадиган, ҳаром қўллардан ҳазар қиладиган кишини иффатли дейдилар. Иффат эгаси ҳеч қачон виждонига ҳиёнат қилиб, ота-она, қариндош ва дўстларнинг юзини ерга қаратмайди. Иффат, ҳаё, андиша, ибонинг фарзандидир. Яхши биламиз, бу фазилатлар ҳаётга меҳр қўйган, халққа муҳаббати, ҳурмати зўр кишиларда бўлади. Садоқат, сабру қаноат, виқор, истиғно, озодалик, тартиб-интизом каби ҳислатлар инсон кўркининг мевасидир. Мароғуб, ақли доно, ўйлови ҳам, дили ҳам софлик билан зийнатланган кишилар ҳамиша орзу гуляпи бўлган.

Нигоро, маҳвашо иффатфаноҳо, Жаҳон маҳвашларига подшоҳо.

Улуғ Алишер Навоийнинг Фарҳод тилидан маҳбубаси Ширинга қарата айтилган бу ҳитоби шоир идеалидаги гўзал Ширин орқали барча хотин-қизларни шу сифатлар соҳибаси бўлишга ундашдир. Севимли ёрнинг ойга ўхшаб ёруғлик сочувчи нурхона, ҳаммадан ҳам иффатли бўлиши софларнинг соф орзуси бўлган.

Маҳбубанинг табиати маҳбубдан мардлик талаб қилса, маҳбуб маъшуқасидан ҳаё, ибо, вафо кутади. Шунинг учун шоирятимиздаги маъшуқадаги ноз (тортиниш), истиғно (ўзни бепарво тутиш), (эҳтиёжсизлик), виқор (ўзни оғир тутиш) каби фазилатлар шарафланади. Ўнта сўзи бўлса шундан биттасини айтган, айтганда ҳам андиша билан айтган иффатли маъшуқаларнинг кўнгли ҳуш, таъби латиф, қилиб тасвирланади. Ботирнинг бастига бетлаб боқолмаган гўзалларнинг муҳаббатини тил эмас, юз билан кўзлари, назокати (ёқимли, хуш ҳаракат) айтиб туради.

Муҳаббат дўстлик, ҳурматдан туғилгани учун ҳам табиатнинг улуғ эҳсони. Ҳақиқий муҳаббат инсонни янада кўҳлик қилади. Бу бахтга муяссар бўлган ҳар бир кишининг ҳаёти завқли, маромли бўлади. Агар у шоир, хонанда, ё нотиқ бўлса, сўзи ўтли, куйи сеҳрли, нутқи соз ва эҳтиросга бой бўлади. Чинакам муҳаббат инсонга садоқат, сабот, ғайрат, мардлик ҳадя қилади. Мақсад йўлидаги сабр-тоқат, чеккан кулфатларини умид, ишонч билан енгиб, қийинчиликка бардошли бўлиб қолади. Соф муҳаббат эгалари ўзига-ўзи баҳо бермайди. Яъни такаббурлик, худбинлик, бадбинлик, яхшиликни ёмонга йўйиш, гина, таъна, бошқалар бахтини кўролмаслик каби иллатлардан узоқ бўлади. Муҳаббат кишини тарбиялайди.

Яраси азоб берадиган, малҳами даво бўлган севгини кўплар орзу қилганлар. Чунки у ғафлатдагини бедор қилади. Муҳаббат эгаларининг ҳаммаси вақт-иши ўнгидан келавермаганидек, йўли ҳам ҳар қачон бўстондан тушавермайди. Шунда турмушнинг ачиқ-чучуги, баланд-пастини кўп имтиҳондан ўтказади, ўзлигини ҳам шунда синайдилар. Шоир, адиблар ҳам муҳаббат ҳақида ёзганларида гоҳ висол, гоҳ ҳижрон, гоҳ қабул, гоҳ рад этилган муҳаббат риштасини куйлаганлари бежиз эмас. Бир қарабсиз касод... Муҳаббатнинг бу «ўйин»ларида киши тобланади, турмушнинг қадрига янада етади.

Сева билганлар учун маънавий бойлик эшикларн ҳар қачон ланг очиқ. Шунда саҳарда сайраган чаман булбуллари, боғни ҳам, баҳорни ҳам безаган ҳаёт гуллари, товусдай товланиб ўзига зеб берган гўзалларнинг зулфи сумбуллари унга ҳар қачонгидан ҳам нашъаликроқ туюлади.

Эр-хотин ўртасидаги ишқ-муҳаббат ақл билан юрак посбонлигидагина ҳамиша пок тутилади. Умр баҳорида ҳам, умр кузи-ю, қишида ҳам пок сақланган муҳаббат инсон кўркидир.

Андижоннинг Ойим районидан Тошкентга келиб ўқиб, уй-жой қилиб яшаётган тўқиз оға-инининг ҳаёти билан яқиндан таниш-ман. Уларнинг орасида олими ҳам, ишчиси ҳам бор. Бу аҳил оиладаги тотувлик, кўнгил ҳушлик, турмушдан мамнунлик, айниқса овсинларнинг бир-бирига бўлган ҳурмати, садоқати инсон кўркининг юксак намунасидир. Аслида энг катта оғалари ва унинг нажиб оилада тарбия топган умр йўлдоши бу катта оила шарафининг етакчисидир. Катта овсин кичикларига ибрат. Ҳато ва камчиликлар бегаразлик билан тузатилади. Ўртадаги самимият, яхшилик иплари оилани тотувликка, ҳамжиҳатликка бошлайди.

Қилмиши ғийбат, «тош отар» деган лақаб ҳам орттирган Х. ва М. исмли овсинлар кўздек кўшни бўлган бу катта даргоҳдан ибрат олиб ёмон одатларини ташлаб, келишиб кетдилар. Хуснига, бойлигига, ғурурланиб, ҳеч кимни назар-писанд қилмай қўйган М. исмли келинпошша ҳам осмон дан ерга тушиб қолди. Яхшининг шарофати деб шунга айтадилар-да.

Инсон кўрки! Бу бизнинг оилага, ишимизга бўлган фидойилигимизда ҳам, иффат ва ғуруримизда ҳам, ўзаро тотувлигимиз, яхшиликларимизда ҳам ўз ифодасини топадиган кўркимиз кўркидир.

Музайяна АЛАВИЯ.

АХБОРОТ

ЯНГИЛИКЛАР

КОЛХОЗ ЙИЛНОМАСИ

«Москва» колхози тарихини ўрганишга киришилди. Самарқанд районидаги нўп тармоқли хўжаликлардан ҳисобланган мазкур колхозда музей ташкил қилинаяпти. Ҳозиргина ўзида бўлажак музейда намойиш этиш учун кўпгина материаллар йиғилди. Колхоз ташкилий ишлар учун 12 минг сўм маблағ ажратди.

Колхознинг биринчи революционерларидан, 1918 йилдан бери КПСС аъзоси А. Солиев ҳамда Ф. Маҳмудовлар ҳақида топилган янги ҳужжатлар диққатга сазовор. Колхознинг биринчи ўқитувчиси икки марта Ленин ордени кавалери М. Жоҳимуҳамедов ҳам хўжалик ўтмишига оид ҳужжат ва фотосуратлар келтириб берди.

Булардан ташқари босмачилар билан курашда қурбон бўлган ўқитувчи О. Орипова ҳақида ҳам баъзи ҳужжатлар қўлга киритилди.

П. ҲАМДАМОВ.

БОҒ ДАРАХТ

Черкасиялик ҳаваскор боғбон В. С. Гречкин бир туп дарахтдан 28 хил олма ҳосили узиб олди. Бунинг сири оддий. Василий Семеновичнинг қарийб 15 йилдан бери хонаки нав новдаларини ўрмондан кўчириб ўтқазилган ёввойи олмага синчиклаб пайванд қилиб келяпти. У ёввойи ўрик, нонка ҳам шу хилда пайвандлар қиляпти.

У бир дарахтга икки хил ўрик ва олхўри пайванд қилди, ва ҳар йили ҳосил олиб турибди. Иккинчи бир дарахтда беш хил эрта пишар ва меч пишар нок навларини ўстирмоқда.

Ҳаваскор боғбон гулларни унутган эмас. Унинг боғида наъматакда очилаётган атиргуллар қирқиб олиб сувга солинса, 15 кунгача гули тўкилмай туради. (ТАСС).

Спорт. Спорт. Спорт.

ЮБИЛЕЙ ЧЕМПИОНАТИДА

Узбекистон XXX чемпионати дастлабки учрашувларига якун ясалди. Республикамиз тарихида биринчи марта 27 команда иштирок этган бу мусобақалар уч группада олиб борилди. Финал учрашувларга фақатгина биринчи ва иккинчи ўринларни эгаллаган коллективларнинг чиқиши мумкинлиги чемпионат ўйинларининг яна ҳам қизиқарли ўтишига сабаб бўлди. 600 га яқин футболчи қатнашган ушбу мусобақаларни 130000 дан ортиқ нарм тўп мухлислари кўрдилар.

Биринчи группа коллективлари орасида Тошкент авиация заводининг «Старт» командаси энг кучли бўлди. Учрашувларни бир текис ўтказган бу коллектив 16 ўйиндан 26 очко тўпладн. Марғилон шойи тўқиш комбинати «Меҳнат» командасининг бу йил ҳам финал-да қатнашиши командада таълим-тарбиявий ишларнинг яхши йўлга қўйилганлигидан дарак берялти.

Иккинчи группада Гулистоннинг «Мотор» командаси дастлабки учрашувларидаёқ ташаббусни ўз қўлига олди. Бу сафар фақатгина гулистонликлар мағлубият нималигини билишмади. Тўпланган очколари ҳам ҳаммадан кўп—30 та. СССР спорт мастери Виктор Суюновнинг шогирдлари 16 ўйиндан 14 тасини ўз фойдаларига ҳал этдилар. Тошкентнинг «Трактор» командаси 24 очко билан иккинчи ўринга кўтарилди. Маълумки, кейинги йилларда финал учрашувлар Тошкент командалари-си ўтказилар эди. Бу йилги финалда «Старт» ва «Трактор» командаларининг иштирок этиши республика пойтахти футбол шинавандаларини айниқса хурсанд этди.

Навоий шаҳрининг «Сўғдиёна» коллективи учинчи группада нарвонбошн бўлиб, 27 очко тўпладн. Команда аъзолари биринчи учрашувда 4:6 ҳисобида маглубиятга учраган бўлсалар, кейин сира енгилмасдан тўплар нисбатини 41:6 га етказдилар. Узбекистоннинг бу йилги кубогини қўлга киритишга муяссар бўлган Самарқандниинг «Строитель» командаси 25 очко билан иккинчи ўринга кўтарилди.

Қаршининг «Тонг» командаси тажрибали футболчилар билан тўлдирилган бўлса-да, яна финал учрашувларига қатнашишдан маҳрум бўлди. Бизнингча, бунга асосий сабаб команда аъзоларининг ўз кучларига ортиқча баҳо бериб юборишларида, ҳамда рақиб командаларни менсимаслигидадир. Акс ҳолда биринчи ўйиндаёқ 15:0 ҳисобида ғолиб чиқиб, кейинги ўйинда 0:1 ҳисобида майдондан бош эгиб чиқишни қандай баҳолаш мумкин?! Қаршиликларнинг тўплар нисбати барча командалардан кўра яхшироқ—67-12. Ленин, 4 та маглубият уларни учинчи ўринга тушириб юборди.

Ўтган йили Сурхондарё областидан республика биринчилигида команда қатнашмаётганлиги матбуотда таниқид қилинган эди. Афсуски, бу йил ҳам мусобақаларда Сурхондарё вакилини учрата олмадик. Дастлабки мусобақаларда «Строитель» командаси биринчилик мусобақаларида жуда бўш қатнашиб, 16 ўйиндан сўнг бир очко олди. Шунингдек, «Заря» (Шаҳрисабз), «Текстильмаш», (Қўқон), «Сплав» (Чирчиқ), «Заря» (Жалақудуқ) футболчилари ҳам турнир жадвалининг пастки қисмида бўлдилар.

Узбекистон футбол федерацияси финал ўйинлари календарини тузиб чиқди. Олти команда иштирокида бир даврада ўтказиладиган мусобақалар бугун бошланади. Андижондаги «Спартак» стадионида, Москва, Избоскан ва Хўжаобод район марказларидаги стадионларда учрашувлар 21, 24, 27, 30 октябрь ва 2 ноябрь кунлари ўтказилади.

Республикамизнинг бу йилги чемпионини аниқлаб берувчи финал учрашувларга Узбекистон футбол федерацияси катта тайёргарлик кўрди. Махсус программа ва афишалар тайёрланди, республикамизнинг тажрибали судьялари мусобақага жалб этилди. Турли соврин ва қимматбаҳо мукофотлар ўз эгаларини кутяпти. Узбекистон чемпиони номини қўлга киритган коллектив 8 ва 12 ноябрь кунлари мамлакат биринчилиги иккинчи группасида энг бўш қатнашган команда билан келаси йили «А» классида иштирок этиш учун саралаш ўйинларини ўтказади.

А. ИМОМХЎЖАЕВ,
республика тоифас и даги судья.

ДАСТЛАБКИ ОЧКОЛАР

Мамлакатимизнинг турли шаҳарларидан келган кучли шашкачи хотин-қизлар мусобақаси бошланди. Турнирнинг бошланишига бағишланган тантана Тошкентда, ги Санъат саройида ўтказилди. Ташкилий комитет раиси, Октябрь район партия комитетининг секретари С. Усмонова мусобақа қатнашчиларини табриклади. Республика давлат гимни садолари остида мусобақа байроғини мамлакат чемпиони Е. Сорокина билан тошкентлик О. Аҳмедова кўтардилар.

Мусобақалар бошланди. Биринчи тур иштирокчилари қизғин курашга киришдилар. Ленинградлик Г. Глазова биринчи бўлиб ҳисобни очди. У бокулик дугонаси М. Яновенконинг йўл қўйган хатоларидан усталик билан фойдаланиб, қимматли очкони қўлга киритди. Республикамиз вакили тошкентлик мастерликка номзод Х. Иброҳимова билан Е. Сорокина очколарни баҳам кўришди. Иккинчи вакилимиз О. Аҳмедованинг омади юришмади. У биргина донани бой бериш билан ленинградлик Л. Григорьевага ютқазиб қўйди. Наманганлик Л. Грушенкова ҳам А. Мишкина (Рязань)дан енгилди.

Иккинчи тур мусобақалари ҳам қизғин ўтди. Ленинградлик Глазова ўз ҳисобига яна бир очко қўшди. Қўш очколи бўлиш Мишкинага ҳам насиб қилди. Минсклик Н. Белорицкая мамлакат совриндори Л. Илёсованн енгди. Вакилларимиз Аҳмедова билан Иброҳимова бу сафар ҳисобни дуранг қилиб, яримтадан очкога эга бўлишди. Мусобақалар давом этмоқда.

Б. КАНИШЧИКЕР,
мусобақанинг бош судьяси.

Редактор ўринбосари
Х. ЕДГОРОВ.

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

БУГУН

БИРИНЧИ ПРОГРАММА. 9.45 — ТОШКЕНТ, 9.50 — Янгиликлар. 10.00 — Кўғирчоқ фильм. 10.20 — Сенинг 16 ёшинг (театрнинг I қисми). 11.00 — МОСКВА. 11.05 — Янгиликлар. 11.10 — Будильник. 11.40 — Совет Иттифоқига хизмат қиламан. 12.40 — Қишлоқ янгиликлари. 13.40 — Бугун — озиқ-овқат саноати ходимлари куни. 14.00 — ТОШКЕНТ. 14.05 — Концерт. 15.00 — ФУТБОЛ: «ПАХТАКОР» (ТОШКЕНТ) — «ЗЕНИТ» (Ленинград). 17.00—Соялар чошгохда йўқолади (бадиий фильмнинг 5-серияси). 18.00 — «АХБОРОТ». 18.15 — Бугун — Озиқ-овқат ходимлари куни. 18.30 — Телеминиатюралар театри (такрорий кўрсатув). 19.10 — МОСКВА. Халқаро панорама. 19.40 — ТОШКЕНТ. Набн Ҳазрий «Қуёш сингликн». 20.10 — «АХБОРОТ». 20.30 — ЧАШМА. 22.00 — МОСКВА. «Вақт». 22.30 — «13 стул» телеминиатюралар театри. ИККИНЧИ ПРОГРАММА. 10.00 — ТОШКЕНТ. Ўқув кўрсатувлари. 14.00 — МОСКВА. Капитан қизи (бадиий фильм). 15.40 Ота-оналар, сизлар учун. 16.10 — Рақс байрами. 17.40 — Музикали киоск. 18.10 — Киносаёҳатчилар клуби. 19.10 — ТОШКЕНТ. 19.10 — Спорт кўрсатуви. 19.40 — МОСКВА «Спортлото» тиражи. 20.00 — Концерт. 20.50 — Спектакль. 22.00 — ТОШКЕНТ. Реклама. 22.20 — Бензаколонка маликаси (бадиий фильм). УЧИНЧИ ПРОГРАММА. 17.00 — ФРУНЗЕ КЎРСАТУВЛАРИ.

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ КАТТА ТЕАТРИДА — 21/X да **Золушка**, (кундузи), **Флория Тосна** (кечқуруи).

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 21/X да **Навоий Астрабодда** (кундузи), **Ажаб савдолар** (кечқуруи), 22/X да **Лақма**.

ЎЗБЕК ДАВЛАТ «ЎШ ГВАРДИЯ» ДРАМА ТЕАТРИДА — 21/X да **Ойдин** (кундузи), **Қачонгача мой ейсан** (кечқуруи).

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА— **МОСКВА ДАВЛАТ ЦИРКИ АРТИСТЛАРИНИНГ ГАСТРОЛЛАРИ** (кеч соат 7 яримда; шанба ва якшанба кунлари кундуз соат 12,25 минут ва кеч 7 яримда).

КИНО

Алиби учун ярим миллиард — САНЪАТ САРОЙИ (кундуз ва кечқуруи).

Санников ери — «ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ» (16.00, 18.00 20.00), «ЧАЙКА» (10.00, 21.45), «СПУТНИК» (12.00, 13.00, 17.00, 18.00, 19.00), «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ (кундуз ва кечқуруи).

Решма ва Шера — НАВОИЙ номли, ҲАМЗА номли, Г. ГУЛОМ номли, «КЎКЧА», С. РАҲИМОВ номли (кундуз ва кечқуруи).

Иван Васильевич касбини ўзгартирмоқда — «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ», «МИР», «ДРУЖБА» (кундуз ва кечқуруи), «ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ» (10.30, 12.00, 14.00, 21.30).

Угай она — «ЧАЙКА» (12.00, 14.00, 16.00, 18.00, 20.00).

Эркаклар — «ЎЗБЕКИСТОН» (кундуз ва кечқуруи).

Мен — Шаповалов — (11.30, 16.00, 20.30), **Сандон ёки болға** (15.00, 18.00): — «МОСКВА».

Ромео ва Жульетта — «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (11.00, 13.30, 16.30, 19.00, 21.15).

27, 28 ОКТЯБРДА
БУХОРО ШАҲРИДА
1973 ЙИЛГИ ЎЗБЕКИСТОН ССР ПУЛ-БУЮМ ЛОТЕРЕЯСИНИНГ БЕШИНЧИ ЧИҚАРИЛИШИ БЎЙИЧА
ЮТУҚЛАР ТИРАЖИ ЎТКАЗИЛАДИ
Лотерея билетларини сотиб олинг!

МАРКАЗИЙ «ПАХТАКОР» СТАДИОНИДА
21 ОКТЯБРЬ КУНДУЗ СОАТ 3 ДА
СССР биринчилиги учун олий лиганинг
«ЗЕНИТ» (Ленинград) — «ПАХТАКОР» (Тошкент) командалари ўртасида
ФУТБОЛ
Билетлар сотилмоқда.

МАРКАЗИЙ «ЮБИЛЕЙ» СПОРТ ЗАЛИДА
Хоккей мавсуми бошланади
23, 24 ОКТЯБРЬ КЕЧ СОАТ 7 ДА
СССР биринчилиги учун «А» классининг II группасидаги «ТИТАН» (Березники) — «БИНОКОР» (Тошкент);
28, 29 ОКТЯБРЬ КЕЧ СОАТ 7 ДА
«СПУТНИК» (Нижний Тагил) «БИНОКОР» (Тошкент) командалари ўртасида
ХОККЕЙ
БИЛЕТЛАР ВА АБОНЕМЕНТЛАР МАРКАЗИЙ «ЮБИЛЕЙ» СПОРТ ЗАЛИ КАССАЛАРИДА СОТИЛМОҚДА.
Коллектив бўлиб кўриш учун заявкалар қабул қилинади.

БИР ҚУЛТУМ СУВ

ФЕЛЬЕТОН

Ленин номли кўчадан ўтиб бораётириб, кутилмаганда, ажабтовур бир воқеанинг гувоҳи бўлиб қолдим. Катта йўлнинг қоқ ўртасидан 20 чоғли ёш болалар, сочига лента тақкан қизчалар қўлларида челак бир-бирига йўл бермай кун чиқар томонга чопиб боришяпти. 10-15 бола, буларнинг ҳам қўлларида челак, кун ботар томонга қараб чопишяпти.

Қизиқ, бу қанақа ўйин бўлди экан? Ёки спортнинг челак кўтариб югурадиган янги тури чиқибди-ю, мен бехабар қолибманми деб ўйладим! Бундай десам, кун ботар томонга қўлбола аравачаларга бидону, челак ортганлар ҳам ўтиб турибди. Ҳўш, ўтса нима бўпти, ахир кўпинча пойгачилар ортидан махсус машина йиқилган, сиқилганларни териб ҳам юради-ку. Эҳтимол, бугун ҳам шундай бўлаётгандир.

Кун чиқар томон югураётган боладан сўрадим.

— Ҳой, бола, қаёққа чопяпсизлар?

— Сувга! — деди бола энтикиб.

Кун ботар томонга чопаётган қизчадан сўрадим:

— Сен қаёққа югураяпсан?

— Сувни бўшатиб келгани, — деди буниси ҳам энтикиб.

Яна бир нарсалар сўрамоқчи эдим, болаларнинг ҳеч бирини тўхтатишнинг иложи бўлмади. Нарироқдаги супачада икки отахон суҳбатлашиб ўтирган экан, чойга таклиф қилиб қолди ва ... суҳбат давомида ҳамма нарса маълум ҳам бўлиб қолди: бутун бошли бир қишлоқда алмисоқдан қолган иккита қудук бўлиб, омон бўлгур бу қудукларнинг суви ҳам куннинг маълум вақтида кўпайиб, маълум вақтда озайиб турар экан. Ҳозир айни кўпайган палласи экан.

— Шошаётганингиз йўқми? — деб сўради отахонлардан бири, сўнг жавобимни ҳам кутмасдан сўзида давом этди. — Энди, ўғлим, шошмаётган бўлсангиз, гап бундай, ҳукуматга балли, меҳнаткашга ҳамма нарсани муҳайё қилиб беряпти, аммо бир-иккита раҳбарнинг бепарволиги туфайли...

— Ландовурлиги десангчи! — деб луқма ташлади иккинчи отахон.

— Жим ўтир, гапимдан адашиб кетаман, — сўзида давом этди отахон, — мана каттагина бир юртда сувсиз ўтирибмиз бундан уч-тўрт йил аввал...

— Олти йил бўлди, десангчи, — яна луқма ташлади иккинчи отахон...

— Тўғри, катта совуқдан олдин эди-да, олти йил бўпти... Водопровод туширамиз деб ўзимизга ариқ кавлаттиришди, қувур учун пул йиғиб олишди. Қувурларни кўмиб, сув берадиган жўмракларини ўрнатиб кетишди, лекин ҳалигача сув деган зормандадан дарак йўқ.

— Сув пулини олти йилдан буён қуртдек ундириб олишяпти, — деб, жаҳл билан қайноқ чойни ҳўплаб юборди иккинчи отахон.

Маълум бўлишича, ўша пайтда шошма-шошарлик билан водопровод қувурлари юзароқ кўмилиб қолган экан. «Олчазор» маҳалла аҳли шу қувурларни чуқурроқ қилиб беришга, миноранн қайтадан ремонт қилиб беришга ҳам тайёр, бунинг учун қанча харажат бўлса, ҳаммасини кўтарамиз, деб енг шимариб турибди. Лекин, минг ишчига бир бошчи деганларидек, шу ишларга бош-қош бўладиган, халқ учун чинакам жон қойнтадиган одам топилмабди.

— Қийин-қийин, халққа бўляпти, — деди биринчи отахон.

— Тўй-маъракада сувни шаҳардан келтирамиз, — деди иккинчи отахон.

Шаҳарга етиб келгунимча ўйланиб келдим. Свердлов номли совхоздек катта хўжалик учун хонадонларга сув чиқариб бериш, уларни сарсон-саргардонликдан қутқариш ҳеч гап эмас. Отахонлар айтганидек, бунинг учун баъзи бир раҳбарларнинг бепарво-бегамлигига чек қўйилса бас.

Т. ХУДОЙБЕРДИЕВ,
Янгийўл райони.

Совет Узбекистони
Орган ЦК Компартии Узбекистана, Верховного Совета и Совета Министров Узбекской ССР.
БИЗНИНГ АДРЕС: 700.029, ГСП, Тошкент, «Правда Востока» кўчаси, № 26 ◆ ТЕЛЕФОНЛАР
Эълонлар — 338142. коммутатор — 330249 дан 330258 гача.
Б. — 249. Узбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг босмахонаси, Тошкент шаҳри. ИНДЕКС 64583. Р. — 01759.